

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

Б Ю Л Л Е Т Е Н Ъ

5

ТОШКЕНТ – 2010

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бош муҳаррир: физика-математика фанлари доктори **К.Султонов**

Аъзолар: иқтисод фанлари доктори **А.Юсулов** (бош муҳаррир ўринбосари),
қишлоқ хўжалик фанлари доктори **Б.Азимов**, иқтисод фанлари доктори
Р.Алимов, физика-математика фанлари доктори **И.Ганиев**, педагогика
фанлари доктори **У.Иноятов**, геология-минералогия фанлари доктори
Б.Исахўжаев, техника фанлари доктори **К.Каримов**, тиббиёт фанлари
доктори **И.Маєлонов**, филология фанлари доктори **Н.Рахмонов**,
тиббиёт фанлари доктори **Р.Собирова**, кимё фанлари доктори
А.Тўраев, тарих фанлари доктори **А.Ходжаев**, физика-математика
фанлари номзоди **С.Зулунов** (масъул котиб)

М У Н Д А Р И Ж А

Диссертация ишларида маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиш муаммолари ва уларнинг илмий ечимлари.....	3
Олий аттестация комиссиясида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишлар тўғрисида ахборот.....	8
ОАК бўйича буйруқ.....	11
ОАК Раёсатининг қарорлари.....	12
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси ихтисослашган кенгашлари рўйхатининг давоми.....	21
ОАК Раёсатида рад жавоби берилган ишлар.....	21
ОАК Процедура комиссиясида.....	22
Фан доктори ва фан номзоди илмий даражалари берилган ҳамда профессор илмий унвонида тасдиқланганлар рўйхати.....	23
Дастлабки экспертиза натижалари.....	34
Диссертациялар тўғрисида маълумотлар.....	35
Диссертация ишлари мавзулари тўғрисида маълумот	80

Диссертация ишларида маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиш муаммолари ва уларнинг илмий ечимлари

Иқтисодиёт тармоқларининг долзарб муаммолари илмий ечимларини ҳал этиш, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда замонавий технологияларга асосланган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш маълум жиҳатдан диссертацион тадқиқотларни ташкил этишга боғлиқдир. Бу борада жаҳон бозорида рақобатбардош ва юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлган технологиялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқиш йўналишида бажарилаётган диссертацион тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланиш бўйича диссертацион тадқиқотларни ташкил этиш ва олинган илмий натижаларни амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланишга йўналтирилган мавзуларда диссертацион тадқиқотларни ташкил этиш ва уларнинг илмий натижаларини амалиётга жорий этиш масалаларига ОАК, ихтисослашган ва илмий кенгашлар томонидан катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари кимё ва кимё-технология фанлари йўналишидаги диссертация ишлари сифатини оширишга муҳим методологик манба сифатида хизмат қилди. Асарда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда диссертация мавзуларига киритилган ўзгартиришлар маҳаллий хом ашёлар асосида янги технологиялар ва усулларни ишлаб чиқишга имкон бериб, илмий натижаларни амалиётга жорий этишда алоҳида аҳамият касб этди. Амалга оширилган диссертацион тадқиқотларда олинган илмий натижалар, жумладан, «ацетиленни буғ фазада гидратациялаш жараёни учун четдан келтириладиган кадмий кальций фосфат катализаторини алмаштирадиган юқори самарали рух (кадмий) алюминий катализаторларни олиш технологияси, янги бензиннинг октан сонини оширувчи қўшимчалар, ва коррозияга ҳамда минерал тузлар ҳосил бўлишига қарши ингибиторлар ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди»¹.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли асарида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда диссертацион тадқиқотлар сифатини оширишга қаратилган тегишли илмий-ташкилий ишларнинг амалга оширилиши кимё ва кимё-технология фанлари йўналишида жаҳон бозорида рақобатбардош ҳамда юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлган технологиялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича амалга ошириладиган тадқиқотларни янада жадаллаштирди. Бу борада маҳаллий хом ашёлардан энергетика, нефт-газ, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати каби соҳаларда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

ОАК Раёсатининг қарори билан 2010 йилда кимё ва кимё-технология фанлари соҳасида 5 нафар талабгор фан доктори ва 28 нафар талабгор фан номзоди илмий даражаларида тасдиқланди. Илмий даражаларда тасдиқланган талабгорлар томонидан бажарилган докторлик диссертация ишларининг 3 таси (60%) ва

¹ «ОАК Бюллетени» журнали. – 2010 - №3 – Тошкент, ЎзР ОАК – 27-б.

номзодлик диссертация ишларининг 10 таси (35,7%) маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланиш муаммоларига бағишланган бўлиб, тадқиқотлар асосида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим натижалар олинган.

Маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланишга йўналтирилган диссертацияларда олинган, жумладан, қуйидаги илмий натижалари иқтисодиёт тармоқларига жорий этилиб, рақобатбардош технологиялар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берди.

Энергетика соҳасида юқори кувватли электростанциялар электр кувватини оптимал тақсимлаш, улар сарфини максимал камайтирилган режимда узатиш ва электр қурилмаларининг шикастсиз ишлашини таъминловчи воситалар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада юқори кучланишга чидамли бўлган сифатли чинни изоляторлар ва трансформатор мойларини маҳаллий хом ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида ишлаб чиқариш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур муаммолар илмий ечимларига йўналтирилган диссертацион тадқиқотларда, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинди, амалиётга жорий этилиши таъминланди:

каолинлар (Ангрен кони), пегматит ва кварцлар (Лангар кони), бентонитлар (Каттакўрғон кони) ҳамда волластенитлар (Койтош кони) асосида давлат стандартларига мос келадиган юқори электр кучланишига чидамли чинни изоляторлар ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган. Мазкур илмий натижа “Қувасой чинниси” ОАЖ корхонасида амалиётга жорий этилиб, уни қўллашдан кутилаётган иқтисодий самара йилига ўртача 1,5 млн сўмни ташкил этади;

пахта чигити қобиғининг гидролизланган лигнинидан олинган сорбент, трансформатор мойини юқори кучланишли электр қурилмаларига яроқли ҳолга келтиришнинг технологик имкониятлари асослаб берилди.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда нефт-газ саноати алоҳида аҳамият касб этади. Нефт-газ ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилишда замонавий технология ва усулларни қўллаган ҳолда қудуқларни бурғулаш, газни тозалаш ва манзилга етказиб бериш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммоларни маҳаллий хом ашёлар ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш асосида ҳал этиш катта иқтисодий ва ижтимоий самара беради. Таҳлил этилаётган диссертацион тадқиқотларда олинган қуйидаги илмий натижалар соҳа муаммоларини илмий асосда ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди:

маҳаллий хом ашё ва саноатда ҳосил бўладиган кўп ҳажмдаги иккиламчи маҳсулотлар асосида ишлаб чиқаришда металл қувурлар, реакторлар коррозиясини ва уларда туз тўпланишини олдини олувчи янги “SUMONO-экстра-М” ингибиторлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган. Яратилган технология асосида ингибиторнинг дастлабки 3 тонна тажриба намунаси ишлаб чиқарилган ва “Муборакнефтегаз” УШК да синаб кўрилган;

саноат чиқиндилари асосида юқори босимга чидамли композицион материаллар олиш технологияси яратилиб, улардан автотранспорт воситаларида қўлланиладиган газ баллонларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади;

маҳаллий хом ашёдан олинган композицион материаллар асосида табиий газни олтингургуртдан самарали тозалайдиган адсорбент олиш технологияси яратилиб, унинг асосида импорт ўрнини босувчи қурилма ишлаб чиқилган. Бу қурилмани амалиётга тадбиқ этишдан кутиладиган самара йилига 50 млн. сўмни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириб бориш, маҳсулотлар сифатини экологик талаблар даражасига кўтариш ва етиштирилган ҳосилни сақлаш кишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолар жумласига киради. Уларни ҳал этиш ўз навбатида янги дефолиантлар ҳамда замонавий кимёвий ва биологик ҳимоя,

озиқлантириш ва ўстириш воситаларини яратиш билан узвий боғлиқдир. Бу йўналишдаги изланишлар асосида натрий, магний хлоротлари, карбамид ва карбон кислоталарининг моноэтанолламинли тузлари ва пахта заводи чиқиндилари асосида суюқ дефолиантлар олиш технологияси ишлаб чиқилган. Таклиф этилган суюқ дефолиантларни 1 га пахта майдонида қўллашдан олинadиган иқтисодий самара магний хлорати дефолиантига нисбатан 4-10 минг сўмни ташкил этади.

Озиқ-овқат саноатида энергия сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан қуйидаги илмий натижалар амалиётга жорий этилди:

пахта чигитидан ёғ ажратиб олиш жараёнида инфра-қизил нурлар билан ишлов бериш жараёнини интенсивлаш имконини берувчи юқори самарадорликка эга бўлган қурилма ишлаб чиқилиб, “Тошкентдонмахсулотлари” корхонасида синовдан ўтказилди. Мазкур қурилманинг жорий этилиши йилига 100 млн.сўмдан ортиқ иқтисодий самара беради;

буғдой донини майдалашга тайёрлаш босқичида ультра-бинафша нурлантириш орқали микробиологик тозаликни таъминловчи технология яратилди. Мазкур технологиянинг “Тошкентдонмахсулотлари” комбинатида жорий этилиши натижасида иқтисодий самара кунига, 500 т қувватга эга бўлган тегирмонда йилига 9 млн. сўмни ташкил этади. Унинг амалиётга жорий этилиши экологик тоза ун ишлаб чиқаришнинг интенсив имкониятини беради.

Фармацевтика саноатида турли вируслар ва гельминтларга қарши юқори фаолликка эга дори воситаларини маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишда қуйидаги янги препаратлар олиш технологиялари яратилди:

пахта чигитидан госсипол – биологик фаол моддасини ажратиб олиш технологияси яратилди. Ишлаб чиқилган технология асосида Госсипол моддасидан ўндан ортиқ оригинал, импорт ўрнини босувчи ва вирусга қарши дори воситалари, шунингдек, Рагосин – сариқ касалнинг В, С формаларига қарши, Гозалидон - хламидий инфекциясига қарши, Мегосин - герпесга қарши дори воситалари олиниб, тиббиёт амалиётида қўлланилди;

республикамізда ўсадиган ўсимликлар асосида гельминтларга қарши медамин, албендозол, медапек ва миорелаксант хусусиятига эга белэтоний дори воситалари яратилган. Уларни олиш технологияси ишлаб чиқилган ва яратилган дори воситалари амалиётга тадбиқ этилган.

Фармацевтика йўналишида олиб борилган амалиётга тадбиқ этилган ишланмалар ижтимоий самарадорлиги билан биргаликда катта иқтисодий самарадорликка эга. Марказий Осиё давлатларида вирус касалликларга қарши курашда энг самарали деб топилган Рагосин, Гозалидон, Мегосин ва гельминтларга қарши медамин, альбендозол, медапек каби дори воситаларини тиббиёт амалиётига қўлланилиши иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир.

Диссертацион тадқиқотлар натижасида маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган илмий натижалардан ташқари қуйидаги илмий натижаларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этишга тавсия этиш мумкин. Уларнинг амалиётга жорий этилиши тежамкор технологиялар яратиш, жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энергия сарфини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда юқори сифатли дори воситаларини яратиш имконини беради. Диссертацион тадқиқотларда олинган қуйидаги илмий натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этиш мумкин:

Кимё саноати бўйича:

пахта чигити қобиғининг гидролизланган лигнини модификацияланган ҳосилалари трансформатор мойини регенерация қилиш учун самарали сорбент сифатида таклиф этилган. Уни амалда қўллаш юқори кучланишли электр қурилмаларида ишлатишга яроқли мой олиш имконини беради;

ёпишиш ҳолати температуралар оралиғи кенглиги билан фарқланувчи қуйдирилган каолин асосидаги юқори чидамлилиққа эга муллит чинниси изоляторлари таркиби ва тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

механик фаоллаштирилган минерал ингредиентлардан фойдаланиб юқори чидамлилиққа ва яхшилانган эксплуатацион хусусиятга эга композицион полимер материаллар таркиби ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари автомобилларга ўта чидамли газ баллонлари тайёрлаш учун композицион полимер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш имконини берди;

натрий, магний хлоротлари, карбамид ва карбон кислоталари асосида дефолиантлар олишнинг асосий технологик параметрлари ишлаб чиқилган. Физиологик фаол моддалар ва комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олинишининг технологик схемалари таклиф этилган. Таклиф этилган дефолиантларнинг ўзага майин тарзда ва юқори дефолиантли фаоллиқда таъсир этиши кўрсатилган (илмий натижаларни «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарига амалиётга жорий этиш тавсия этилади).

Нефть-газ соҳаси бўйича:

табиий газни тозалаш учун 20% диэтанолламин ҳамда 5% гексаметилентетраамин сақловчи самарадор композицион эритма таклиф этилган. Табиий газни тозалаш жараёнида ДЭА ни (ДЭА + ГМТА) композицион абсорбентга алмаштириш унинг водород сульфидга нисбатан танлаб таъсир этишини 1,15 баравар ортиши, хизмат муддатини эса 1,25 баравар узайтириш, шунингдек абсорбент сарфини 1,5 баравар камайтириш, кўпик ҳосил бўлишни 2 баравар камайтириш таъминланади;

ишлаб чиқаришнинг иккиламчи материаллари – госсипол смоласи, моноэтанолламинни вакуумда учуриш куб қолдиғи ҳамда мочевино асосида иш шароитларида синовдан ўтган, углеводородда эрувчи коррозия ингибитори синтез қилинган (илмий натижаларни «Ўзбекнефтьгаз» МХК корхоналарида амалиётга жорий этиш учун тавсия этилади).

Озиқ-овқат саноати бўйича:

ёғ сақловчи материалларга намли-иссиқ шароитда ИҚ-нурланиш энергиясидан фойдаланадиган ишлов бериш қурилмаси таклиф этилган;

ИҚ-энергияси таъминоти шароитларида чигит мағзига иссиқ ишлов бериш қурилмасининг инженерлик ҳисоблов методикаси ишлаб чиқилган (илмий натижаларни «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» корхоналарида амалиётга жорий этиш тавсия этилади);

УФ-нурланишни ун тегирмонларининг тайерлов бўлимларидаги микробиологик тозаликни таъминлаш учун амалда қўллаш асосланган; буғдой донини 25 кДЖ/м² дозадаги УФ-нурлари билан нурлантириш микробиологик уруғланиш даражасини 90% гача пасайишини таъминлайди; буғдой донини УФ-нурлари билан нурлантириш технологияси ишлаб чиқилган (илмий натижаларни «Ўздонмахсулот» компанияси ун тегирмонларида амалиётга жорий этиш тавсия этилади).

Фармацевтика соҳаси бўйича:

медамин ва албендозол антигелминт препаратлари олинишининг саноат технологияси ҳамда медапек и белэтоний препаратлари олишнинг иқтисодий самарадор усуллари ишлаб чиқилган. Бу препаратлар олинишининг технологик регламентлари тузилган. Медамин субстанцияси олиниши учун 2-3 т/йил қувватли саноат қурилмаси яратилди, ҳозиргача 11 т медамин субстанцияси олинди.

Албендозол субстанцияси олиниши учун 200 кг/йил қувватли саноат қурилмаси яратилди;

интерферон ҳосил қилиш ва гепатитга қарши фаолликка эга Рагосин, бирламчи, иккиламчи ва такрорий бола ташлашни, кичик тоснинг такрорий яллиғланишини даволовчи Гозалидон препарати яратилди, уларнинг субстанциялари, стандарт намуналари ва таблеткалари учун Фармакопея мақолалари ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқдан ўтказилган (илмий натижаларни «Ўзфармсаноат» ДАК корхоналарида амалиётга жорий этиш тавсия этилади).

Амалиётга жорий этишга тавсия этилаётган илмий натижалар маҳаллий хом ашёларидан унумли фойдаланиш негизига рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, «инқирознинг энг оғир босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иқтисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади. Инқироздан чиқиш ва инқироздан кейинги иқтисодиётни соғломлаштириш жараёни узоқ давомли ва ўта мураккаб бўлиши мумкин»¹. Бугунги кундаги асосий вазифалардан бири «етақчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга муволиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат»² дир.

Бу борада маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланишга бағишланган диссертацион тадқиқотларни замонавий асосларда ташкил этиш, рақобатбардош технологиялар асосида импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган ва самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқиш ва мавжуд усулларни такомиллаштириш алоҳида ўрин тутаяди. Бу борада, жумладан, маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш учун қатор тадбирларни амалга оширишга, жумладан, қуйидагиларга биринчи даражада аҳамият бериш зарур.

Биринчидан, ҳар қандай фаолият натижаси мутахассислар даражасига боғлиқдир. Шу жиҳатдан иқтидорли ёшларни илмий фаолитга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш зарур. «Биз фарзандларимизни нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз»³. Шунинг учун, барча йўналишлар, жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида диссертацион тадқиқотлар мавзуларини магистрлик диссертациялари асосида бажаришга алоҳида эътибор қаратиш; илмий изланишга жалб этилган тадқиқотчи ёшлар билан мунтазам равишда илмий раҳбарлар ва илмий кенгашларнинг ишлаши; тадқиқотчи ёшларни чет тилларни ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Иккинчидан, «фан-ишлаб чиқариш» интеграциясини кучайтириш, диссертация ишлари мавзуларини «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўздонмаҳсулот» компанияси,

¹ Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Т.: «Ўзбекистон», - 2010, 54-б.

² Каримов. И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Т.: «Ўзбекистон», - 2010, 65-б.

³ Каримов.И..А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Т.: «Ўзбекистон», - 2010, 74-б.

«Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзфармсаноат» ДАК, «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси ва бошқа манфаатдор хўжалик бошқарув органлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан келишилган ҳолда бажаришга алоҳида урғу бериш керак.

Учинчидан, шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнеснинг ўрни тобора кенгайиб бормоқда. «Нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда»¹. Кичик бизнесни жадал ривожлантиришда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланишнинг илмий изланишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан, диссертацион тадқиқотларда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш йўллари асослаш билан бир қаторда норматив-техник ҳужжатлар, регламентлар ва ишлаб чиқариш синовларининг ёритилишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Юқоридагиларни амалга ошириш маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланиш асосида иқтисодиёт тармоқларининг долзарб муаммолари илмий ечимларини ҳал этиш, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва замонавий технологияларга асосланган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга хизмат қилади.

А.Тўраев - *кимё фанлари доктори, профессор, ОАК Кимё ва кимё-технология фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси*

Б.Салимов - *кимё фанлари доктори, ОАК Кимё ва кимё-технология фанлари бўйича эксперт кенгаши аъзоси*

М.Исмаилова - *фармацевтика фанлари номзоди, ОАК Кимё ва кимё-технология фанлари бўйича эксперт кенгаши илмий котиби*

Олий аттестация комиссиясида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишлар тўғрисида ахборот

Олий аттестация комиссиясида 2010 йилнинг 28 ва 29 август кунлари ОАК раҳбарияти, ОАК Раёсати ва тегишли эксперт кенгашлари аъзолари ҳамда ихтисослашган кенгашлар раҳбарияти иштирокида йиғилишлар ўтказилди (2010 йил 28 августда Физика-математика, техника фанлари ва Ер ҳақидаги фанлар бўйича, Кимё, биология, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт фанлари бўйича, 2010 йил 29 августда Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича).

Йиғилишларда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2010 йил 16 августдаги 58-сонли баёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш, диссертация ишларини шакллантиришда ва уларнинг ҳимояларини ташкил этишда ихтисослашган кенгашлар маъсулиятини янада ошириш, шунингдек,

¹ Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Т.: «Ўзбекистон», - 2010, 63-б.

ОАК Низомларининг янги таҳрирларини тайёрлаш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишларни ОАК раиси в.б. К.Султонов олиб бориб, кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот берди. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: бугунги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича Ҳукуматнинг қатор қарорлари қабул қилиниб, кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини ОАК фаолиятига жорий этиш бўйича қатор мақсадли чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2010 йил 16 августда ўтказилган мажлисида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича масалалар кўриб чиқилиб, вазирлик ва идораларга қатор топшириқлар берилган. Бу борада ихтисослашган кенгашлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Белгиланган топшириқларни амалга ошириш юзасидан ОАК бўйича буйруқлар имзоланиб (26.08.2010й., №73, №75), тегишли тадбирлар белгиланди. Хусусан, мазкур буйруқлар бўйича ихтисослашган кенгаш томонидан диссертация ҳимояга қабул қилиниб, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тасдиқлангандан сўнг, ОАК веб-сайтига ҳимоя тўғрисида эълон беришдан аввал, ихтисослашган кенгаш веб-сайтига диссертация автореферати ихтисослашган кенгаш томонидан жойлаштирилиши белгиланди. Шунингдек, диссертация автореферати ихтисослашган кенгаш веб-сайтига жойлаштирилгандан сўнг, диссертация ҳимояси ҳақидаги маълумотларни ОАК веб-сайтида ва "ОАК Бюллетени" журналида эълон қилиш учун ихтисослашган кенгаш йўлланма хатида ҳамда ўзбек ва рус тилларидаги эълон матнида диссертация автореферати жойлаштирилган веб-сайтнинг электрон манзили аниқ кўрсатилиб, ОАКга юборилиши кенгашларга юклатилди. Диссертация автореферати ихтисослашган кенгаш веб-сайтида жойлаштирилмаган ҳолатлар аниқланган тақдирда диссертация ҳимояси ҳақида ОАК веб-сайтида эълон берилмаслиги белгилаб қўйилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича К.Султонов ОАК Низомлари ва тегишли ҳужжатлар талаблари асосида диссертация ишларини шакллантиришда ва уларнинг ҳимояларини ташкил этишни таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган ишлар ва бу жараёнда ихтисослашган кенгашлар маъсулиятини ошириш кераклиги юзасидан қатор фикрлар билдирди. ОАК веб-сайтида диссертация ҳимояси тўғрисида эълон берилгандан сўнг диссертация автореферати чоп этилиб, ихтисослашган кенгаш илмий котиби томонидан автореферат барча ихтисослашган кенгаш аъзоларига ва ОАКга алоҳида реестр орқали шахсан топширилиши кераклиги ҳамда реестр аттестация ишига илова қилиниши кераклигини, шунингдек, бошқа манзилларга автореферат ўрнатилган тартибда алоқа бўлими орқали юборилиши мақсадга мувофиқлигини билдирди. Ихтисослашган кенгашлар диссертация авторефератларини ОАК Низомлари ва меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида шакллантирилишини назорат қилмаган, диссертациялар ҳимояларини ушбу талаблар асосида ташкил этмаган, эътиборсизлик билан ОАК талабларига риоя қилмаган ҳолларда уларнинг фаолиятини тўхтатишгача чоралар кўрилиши таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан, жумладан, қуйидагиларни билдирди: олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини оширишда ОАКнинг «Ихтисослашган кенгаш ҳақида Низом», «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида Низом», «Илмий унвонлар бериш тўғрисида Низом» ва «Эксперт кенгаши тўғрисида Низом» алоҳида ўрин тутади. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси ҳамда

диссертация ишлари сифатини оширишнинг меъёрий асосларини такомиллаштириш мақсадида замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда мазкур Низомларнинг янги таҳрири лойиҳалари тайёрланмоқда.

Ушбу лойиҳаларга мувофиқ Низомларга, жумладан, қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши таклиф этилмоқда: амалдаги “Ихтисослашган кенгаш ҳақида Низом”да ихтисослашган ва бирлашган ихтисослашган кенгашлар ташкил этиш масаласи қайта кўриб чиқилиб, янги таҳрирда фақат ихтисослашган кенгаш ташкил этиш кўзда тутилмоқда; кенгашларга 3-4 та ихтисосликнинг тегишли фан соҳаси бўйича диссертация ҳимояларини ўтказишга рухсат бериш таклиф этилмоқда; диссертацияни дастлабки кўриб чиқиш ва ҳимояга тавсия этишда иш бажарилган ташкилотнинг масъулиятини кескин ошириш бўйича меъёрий талаблар киритилмоқда. Шунингдек, «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида Низом»нинг янги таҳририда апелляцияларни асосли кўриб чиқишни такомиллаштириш бўйича тегишли меъёрий қоидалар киритилиши таклиф этилмоқда.

Ушбу лойиҳалар ОАК Раёсатининг сентябрь ойида ўтказиладиган навбатдаги мажлисида тасдиқлангандан сўнг, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатлар белгиланган тартибда Адлия вазирлигига тақдим этилиши режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан ОАК Раёсати ва эксперт кенгашлари аъзолари ҳамда ихтисослашган кенгашлар раҳбарияти ва аъзолари жорий йилнинг 15 сентябрь кунигача ОАК Низомларини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни тақдим этиш кераклигини таъкидлади. Мазкур жараёнда илмий натижаларни амалиётга жорий этиш, илмий мақолаларни хорижий нашрларда чоп этиш, диссертация ишлари сифатини ошириш, эксперт кенгашлари аъзоларини танлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишларда кўрилаётган масалалар юзасидан қуйидагилар ўз фикрларини билдирдилар: ОАК Раёсатининг аъзолари, академиклар Ў.Расулов, Т.Долимовлар; Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий тадқиқот ва лойиҳа институти ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Д.126.01.02 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби Ю.Иргашев; ОАК Физика фанлари бўйича эксперт кенгаши аъзолари К.Абдурахмонов, А.Рахимов, З.Азаматовлар; ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ДК.015.90.01 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгаш раиси С.Бахромов; ЎзР ФА Ядро физикаси институти ҳузуридаги Д. 015.15.02 рақамли ихтисослашган кенгаш илмий котиби Р.Ярмухамедов; ОАК Техника фанлари бўйича эксперт кенгаши аъзоси С.Ходжаев; ОАК Математика ва механика фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси А.Артикбаев; ОАК Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси ўринбосари У.Насириллаев; Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Д.087.01.03 рақамли ихтисослашган кенгаш раиси академик Т.Даминов; ЎзР ФА Биокимё институти ҳузуридаги Д.015.16.01 рақамли ихтисослашган кенгаш раиси Т.Соатов; ОАК Фалсафа, тарих ва юридик фанлар бўйича эксперт кенгаши раиси А.Ходжаев; ОАК Фалсафа, тарих ва юридик фанлар бўйича эксперт кенгаши аъзоси Д.Зияева; Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.03 рақамли ихтисослашган кенгаш раиси О.Ортиқов; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д.015.04.01 рақамли ихтисослашган кенгаш раиси Т.Мирзаев.

ОАК раиси в.б. К.Султонов кўрилаётган масалалар бўйича билдирилган фикрлар ва таклифларни умумлаштириб, амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар тўғрисида гапирди.

Йиғилишлар якуни бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини ошириш ҳамда ахборот-коммуникация

технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2010 йил 16 августдаги 58-сонли баёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича берилган топшириқлар ижро учун қабул қилинсин.

2. ОАКнинг ихтисослашган кенгашлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада кучайтириш бўйича олиб бораётган чоратadbирлари маъқулланиб, мазкур масала юзасидан ОАК бўйича тегишли буйруқларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши сўзсиз таъминлансин.

3. Диссертация ишларини шакллантиришда ва уларнинг ҳимояларини ташкил этишда ОАК Низомлари ва тегишли ҳужжатлар талабларига қатъиян риоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгашлар томонидан барча чоралар амалга оширилиши таъминлансин.

4. ОАК Низомларининг янги таҳрирлари лойиҳаси ахборот учун қабул қилинсин.

5. Ихтисослашган кенгашлар, эксперт кенгашлар ОАК Низомларини такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини 2010 йилнинг 15 сентябрь кунига қадар ОАКга тақдим этсинлар.

ОАК Илмий экспертиза бўлими

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

БУЙРУҚ № 73

2010 йил 26 август

Тошкент ш.

Диссертация ишларини шакллантиришда ва уларнинг ҳимояларини ташкил этишда ихтисослашган кенгашлар маъсулиятини ошириш ҳақида

Ихтисослашган кенгашлар томонидан диссертация ишлари ва уларнинг авторефератларини тўла-тўқис ОАК Низомлари ва меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида шакллантиришни назорат қилиш ҳамда диссертация ҳимояларини ташкил этишда ОАК Низомлари талабларига тўла амал қилинишини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН

§1

Ихтисослашган кенгаш томонидан диссертация ҳимояга қабул қилиниб, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тасдиқлангандан сўнг, ОАК веб-сайтига ҳимоя тўғрисида эълон беришдан аввал, ихтисослашган кенгаш веб-сайтига диссертация автореферати ихтисослашган кенгаш томонидан жойлаштирилиши таъминлансин.

§2

Диссертация автореферати ихтисослашган кенгаш веб-сайтига жойлаштирилгандан сўнг, диссертация ҳимояси ҳақидаги маълумотларни ОАК веб-сайтида ва “ОАК Бюллетени” журналида эълон қилиш учун ихтисослашган кенгаш йўлланма хатида ҳамда ўзбек ва рус тилларидаги эълон матнида диссертация

автореферати жойлаштирилган веб-сайтнинг электрон манзили аниқ кўрсатилиб, ОАКга юборилсин.

§3

ОАК Меъёрий-ахборот бўлими диссертация автореферати ихтисослашган кенгаш веб-сайтида жойлаштирилганлигини аниқ текшириб чиқиб, сўнг ҳимоя ҳақидаги ҳужжатларни техник экспертиза учун ОАК Илмий-экспертиза бўлимига топширсин.

§4

Ихтисослашган кенгаш веб-сайтида диссертация автореферати жойлаштирилмаган ёки ОАКга топширилган ҳамда ихтисослашган кенгаш веб-сайтига жойлаштирилган авторефератлар ҳар қил бўлган ҳамда бошқа техник ва меъёрий камчиликлар аниқланган тақдирда диссертация ҳимояси ҳақида ОАК веб-сайтида эълон берилмасин.

§5

ОАК веб-сайтида диссертация ҳимояси тўғрисида эълон берилгандан сўнг диссертация автореферати чоп этилиб, ихтисослашган кенгаш илмий котиби томонидан барча ихтисослашган кенгаш аъзоларига ва ОАКга алоҳида реестр орқали шахсан топширилсин. Ихтисослашган кенгаш аъзолари ва ОАК маъсул ходими томонидан автореферат олганлиги тўғрисида имзолар қўйилган алоҳида реестр аттестация ишига илова қилинсин. Бошқа манзилларга автореферат ўрнатилган тартибда алоқа бўлими (почта) орқали юборилсин.

§6

ОАК Илмий экспертиза бўлими ихтисослашган кенгаш веб-сайтига жойлаштирилган, ҳимоя ҳақида эълон учун юборилган ва чоп этилган авторефератларни бир хиллигини мунтазам назорат қилиб борсин.

§7

Ихтисослашган кенгашлар диссертация авторефератларини ОАК Низомлари ва меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида шакллантирилишини назорат қилмаган, диссертациялар ҳимояларини ушбу талаблар асосида ташкил этмаган, эътиборсизлик билан ОАК талабларига риоя қилмаган ҳолларда уларнинг фаолиятини тўхтатишгача чоралар кўрилсин.

Раис в.б.

К.С.Султонов

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 30 сентябр

№ 167/10

Тошкент ш.

Ихтисослашган кенгашлар фаолиятини назорат қилишни такомиллаштириш ҳақида

Ихтисослашган кенгашлар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Улар фаолиятини

чуқур таҳлил қилиш, мақсадли ўрганиш ва йил якунлари бўйича улар ҳисоботини ОАК эксперт кенгашларида муҳокама қилиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш асосида уларнинг фаолиятини назорат қилиш амалга оширилмоқда.

ОАК томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 мартдаги «Диссертация ишларининг ҳимояси ва экспертизаси билан боғлиқ бўлган молиявий харажатлар ҳақида»ги 176-сонли қарори ижроси ихтисослашган кенгашлар ва улар фаолият кўрсатаётган муассасалар томонидан бажарилиши назоратига алоҳида эътибор қаратилган ва бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин, барча ихтисослашган кенгашлар фаолиятини тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тизимли равишда мунтазам ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян тадбирларни амалга ошириш бугунги кун талабларига тегишли равишда жавоб бермайди.

Ихтисослашган кенгашлар фаолиятини ОАК Низомлари ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тизимли равишда мунтазам ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян тадбирларни амалга ошириш мақсадида

ОАК Раёсати қарор қилади:

1. Ихтисослашган кенгашлар фаолиятида ОАК Низомларига тўла риоя қилинишини тизимли равишда мунтазам ўрганиш ва улар фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқиш учун:

2010 йилнинг 4 октябрь кунидан бошлаб ОАК эксперт кенгашларининг аъзолари диссертация ишлари ҳимоялари бўйича ихтисослашган кенгашларнинг мажлисларида ОАКнинг назорат режаси асосида иштирок этишлари амалиётга жорий этилсин;

ихтисослашган кенгаш фаолиятини ОАК эксперт кенгаши аъзолари томонидан ўрганиш бўйича «Саволнома» тасдиқлансин;

ОАК Эксперт кенгашлари раҳбарияти ўз аъзоларини ихтисослашган кенгашларга объектив бириктириб, тақсимлаб чиқсин ҳамда ҳар бир ихтисослашган кенгашда камида икки нафар кенгаш аъзосининг иштирокини назарда тутсин;

ОАК Илмий экспертиза бўлими ОАКга юборилган диссертация авторефератлари асосида ОАК Эксперт кенгашлари аъзолари томонидан ихтисослашган кенгашлар фаолиятини ўрганишнинг ҳар ойлик назорат режасини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни ташкил этсин ҳамда ОАК раҳбариятига киритиб борсин;

ихтисослашган кенгашлар мажлисларида иштирок этган экспертларнинг ҳисоботлари ОАК эксперт кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар берилиб борилсин.

Ихтисослашган кенгашлар раҳбарияти ОАКнинг назорат режаси асосида кенгаш фаолиятини ўрганишлари учун ОАК эксперт кенгашлари аъзоларига тегишли шарт-шароитларни яратиб берсинлар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 мартдаги «Диссертация ишларининг ҳимояси ва экспертизаси билан боғлиқ бўлган молиявий харажатлар ҳақида»ги 176-сонли қарори ижроси назоратини тизимли ташкил этиш ва унинг ижросини тўла таъминлаш учун:

ихтисослашган кенгашлар йил якунлари бўйича ўз ҳисоботлари таркибида диссертациялар авторефератини нашр этиш ва тарқатиш сарф-харажатларини қоплаш, стенографист ва расмий оппонентларга ҳақ тўлаш ҳамда расмий оппонентларнинг хизмат сафарлари харажатларини қоплашнинг манбалари ва шакллари бўйича ахборот берсинлар;

ихтисослашган кенгашлар фаолият кўрсатиб турган ташкилотлар раҳбарияти ихтисослашган кенгашларнинг ҳисоботларига диссертациялар авторефератини нашр этиш ва тарқатиш сарф-харажатларини қоплаш, стенографист ва расмий оппонентларга ҳақ тўлаш ҳамда расмий оппонентларнинг хизмат сафарлари харажатларини қоплаш бўйича тегишли молиявий ҳужжатлар нусхасини илова қилинишини таъминласинлар.

3. ОАК эксперт кенгашлари ихтисослашган кенгашлар фаолияти муддатини узайтириш бўйича тавсияларни, улар фаолиятини ОАК эксперт кенгашлари аъзолари томонидан ўрганиш натижалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 мартдаги 176-сонли қарори ижроси асосида ишлаб чиқсинлар.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 24 июн

№ 166/4

Тошкент ш.

Филология
фанлари бўйича эксперт кенгаши

Филология фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган ихтисослашган илмий журналлар рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Филология фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши зарур бўлган журналлар рўйхатидан “Тил ва адабиёт таълими” ва “Преподование языка и литературы” журналлари чиқарилсин.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 24 июн

№ 166/4

Тошкент ш.

Филология
фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎЗР ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 февралдаги 162/5 қарори билан тасдиқланган филология фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган хорижий ихтисослашган илмий журналлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Филология фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган ушбу фан соҳаси юқори даражада ривожланган хорижий мамлакатларда нашр этиладиган филология бўйича ихтисослашган етакчи илмий журналлар рўйхатига иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

**Раис в.б.
Бош илмий котиб**

**К.С.Султонов
А.Т.Юсупов**

Приложение
к Постановлению Президиума
БАК РУз № 166/4 от 24.06.2010 г.

Дополнительный перечень зарубежных ведущих рецензируемых научных журналов, в которых могут быть опубликованы основные научные результаты диссертаций на соискание ученой степени доктора и кандидата филологических наук

Российская Федерация

1. Вестник Московского государственного лингвистического университета
2. Вестник Московского государственного университета (Серия 9. Филология)

ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 30 сентябр

№ 167/5

Тошкент ш.

Филология
фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎзР ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 февралдаги 162/5 қарори билан тасдиқланган филология фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган хорижий ихтисослашган илмий журналлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Филология фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган ушбу фан соҳаси юқори даражада ривожланган мамлакатларда нашр этиладиган филология бўйича ихтисослашган етакчи илмий журналларнинг қўшимча рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Раис в.б.
Бош илмий котиб**

**К.С.Султонов
А.Т.Юсупов**

Приложение
к Постановлению Президиума
БАК РУз № 167/5 от 30.09.2010 г.

Дополнительный перечень зарубежных ведущих рецензируемых научных журналов, в которых могут быть опубликованы основные научные результаты диссертаций на соискание ученой степени доктора и кандидата филологических наук

Российская Федерация

1. Вестник Башкирского государственного университета
2. Вестник Бурятского государственного университета
3. Вестник Костромского государственного университета им. Н.А.Некрасова
4. Вестник Московского государственного областного университета
5. Вестник Московского государственного университета (Серия 13. Востоковедение)
6. Вестник Новгородского государственного университета
7. Вестник Ставропольского государственного университета
8. Вестник Тамбовского государственного университета. (Серия: Гуманитарные науки)
9. Вестник Челябинского государственного педагогического университета
10. Вестник Чувашского государственного университета
11. Знание. Понимание. Умение
12. Известия РАН. Серия литературы и языка
13. Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И.Герцена
14. Культурная жизнь Юга России
15. Преподаватель XXI век
16. Русская речь
17. Русская словесность
18. Русский язык в школе
19. Русский язык за рубежом

**ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ**

2010 йил 24 июн

№ 166/4

Тошкент ш.

Педагогика ва психология
фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎзР ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 февралдаги 162/7-сонли қарорига асосан педагогика ва психология фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган хорижий ихтисослашган илмий журналлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Педагогика ва психология фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди

илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган ушбу фан соҳаси юқори даражада ривожланган хорижий мамлакатларда нашр этиладиган педагогика ва психология бўйича ихтисослашган етакчи илмий журналлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Раис в.б.
Бош илмий котиб**

**К.С.Султонов
А.Т.Юсупов**

Приложение
к Постановлению Президиума
БАК РУз № 166/4 от 24.06.2010 г.

Перечень зарубежных ведущих рецензируемых научных журналов, в которых могут быть опубликованы основные научные результаты диссертаций на соискание ученой степени доктора и кандидата педагогических и психологических наук

Российская Федерация

1. Адаптивная физическая культура
2. Акмеология
3. Биология в школе
4. Вестник Московского гос. университета (Серия 14. Психология)
5. Вестник Московского гос. университета (Серия 20. Педагогическое образование)
6. Вестник спортивной науки
7. Вестник Университета Российской академии образования
8. Вопросы образования
9. Вопросы психологии
10. Воспитание школьников
11. Высшее образование сегодня
12. География в школе
13. Гуманизация образования
14. Дефектология
15. Дошкольное воспитание
16. Знание. Понимание. Умение
17. Математика в школе
18. Мир образования – образование в мире
19. Мир психологии
20. Начальная школа
21. Начальная школа плюс До и После
22. Педагогика
23. Педагогическое образование и наука
24. Преподавание истории в школе
25. Преподаватель. XXI век
26. Профессиональное образование
27. Психологическая наука и образование
28. Психологический журнал РАН
29. Российский психологический журнал
30. Стандарты и мониторинг в образовании
31. Теория и практика физической культуры
32. Физика в школе
33. Физическое образование в ВУЗах
34. Физическая культура в школе
35. Физическая культура. Воспитание, образование, тренировка

Украина

1. Наука в олимпийском спорте

Казахстан

1. Теория и методика физической культуры

**ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ**

2010 йил 30 сентябр

№ 167/5

Тошкент ш.

Техника

фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎзР ОАК Раёсатининг 2009 йил 24 декабрдаги 160/5-сонли қарори билан тасдиқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Техника фанлари (05.20.01-“Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш технологиялари” ҳамда 05.20.03-“Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш” ихтисосликлари) бўйича илмий журналлар рўйхатига «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналининг “Агроилм” илмий иловаси киритилсин.

**Раис в.б.
Бош илмий котиб**

**К.С.Султонов
А.Т.Юсупов**

**ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ**

2010 йил 30 сентябр

№ 167/5

Тошкент ш.

**Бошқариш, ХТ, информатика,
алоқа ва энергетика**

фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎзР ОАК Раёсатининг 2009 йил 24 декабрдаги 160/5-сонли қарори билан тасдиқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Техника фанлари (бошқариш соҳаси) бўйича илмий журналлар рўйхатига «Управление интеллектуальной собственностью» илмий журнали киритилсин.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 30 сентябр

№ 167/5

Тошкент ш.

Тиббий-биологик
фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎзР ОАК Раёсатининг 2006 йил 26 октябрдаги 128/4 қарорига биноан биология фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган журналлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Биология фанлари бўйича (тиббиёт ихтисосликлари бўйича диссертациялар учун) фан доктори ва номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган журналлар рўйхатига «Проблемы биологии и медицины» журнали киритилсин.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎзР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 30 сентябр

№ 167/5

Тошкент ш.

Тиббий-биологик,
тиббий-терапевтик ва
тиббий-хирургик
фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎзР ОАК Раёсатининг 2008 йил 25 сентябрдаги 147/5 қарорига биноан тиббиёт фанлари бўйича илмий даражаларга талабгорларнинг мақолалари нашр этилиши шарт бўлган хорижий ихтисослашган илмий журналлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори ва номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган ушбу фан соҳаси юқори даражада ривожланган мамлакатларда нашр этиладиган тиббиёт бўйича ихтисослашган етакчи илмий журналлар

рўйхатига «Курский научно-практический вестник “Человек и его здоровье” (Курск, Россия)» журнали киритилсин.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 30 сентябр

№ 167/5

Тошкент ш.

Фалсафа, тарих ва ҳуқуқ
фанлари бўйича эксперт кенгаши

ЎЗР ОАК Раёсатининг 2006 йил 26 октябрдаги 128/4-сонли қарори билан тасдиқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Тарих ва фалсафа фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлар рўйхатига “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали киритилсин.

Раис в.б.
Бош илмий котиб

К.С.Султонов
А.Т.Юсупов

ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

2010 йил 30 сентябр

№ 167/6

Тошкент ш.

Фалсафа, тарих ва ҳуқуқ
фанлари бўйича эксперт кенгаши

Диссертация автореферати юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

Юридик фанлар бўйича бажарилган ишлар учун диссертация автореферати юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази (100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 5/3) киритилсин.

Раис в.б.

К.С.Султонов

Бош илмий котиб

А.Т.Юсупов

**ЎЗР ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ**

2010 йил 24 июн

№ 166/2

Тошкент ш.

Физика

фанлари бўйича эксперт кенгаши

Ихтисослашган кенгаш фаолиятини тугатиш ҳақида

ОАК Раёсати қарор қилади:

ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими ҳузуридаги Д.015.90.02 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгаш фаолияти тугатилсин.

Ихтисослашган кенгаш шифри	Ихтисослик номи ва шифри	Ташкилот номи
Д.015.90.02	01.04.14-“Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика” 01.04.24-“Ночизиқ динамика ва хаос” Раис в.б.: ф-м.ф.д., проф. А.А.Саидов	ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими

Раис в.б.

К.С.Султонов

Бош илмий котиб

А.Т.Юсупов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ ИХТИСОСЛАШГАН КЕНГАШЛАРИ
Р Ё Й Х А Т И Н И Н Г Д А В О М И***

№ №	Фан тармоғи, ихтисослик шифри ва номи	Илмий даража бериладиган фан соҳаси	Кенгаш шифри	Ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатаётган муассаса	Кенгаш раиси
01.00.00- ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ					
1. ¹	01.04.05-оптика 01.04.21-лазер физикаси 01.04.14-иссиқлик физикаси ва молекуляр физика 01.04.11-магнит ҳодисалари физикаси (номзодлик)	физ.-мат. физ.-мат. физ.-мат.	ДК.015.90.01 Бирлашган кенгаш	ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими, Самарқанд давлат университети	ф.-м.ф.д., проф. С.А.Бахромов

* Ихтисослашган кенгашлар рўйхати «ОАК Бюллетени»нинг 2010 йил 1-сонида ва ундаги ўзгаришлар 2010 йил 2,4 сонларида эълон қилинган

¹ Янги 01.04.14 ихтисослиги қўшилди.

04.00.00- ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ					
Диссертацияда 1917-1991 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги аҳвол, пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари муаммоси умумлаштирилган ҳолда бир тизимга солиниб, архив материаллари ҳамда тарихий ҳужжатлар, статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида ёритилган. Ишда ҳозиргача тарихчилар назаридан четда қолган масалалар кўтарилганлиги ва уни ечиш вазифалари тадқиқ қилинганлиги диссертациянинг муҳим илмий янгиликларидан бири бўлди.

Тадқиқотда совет ҳокимияти пахтачилик сиёсатининг моҳияти ва мақсадлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон халқ хўжалигининг пахтачиликка ихтисослашуви ва бунинг оқибатида Ўзбекистоннинг марказга иқтисодий қарам бўлиб қолишининг юзага келиши муаммоларини ўрганишда бутунлай янги концептуал-методологик ёндашувларга амал қилинди.

Ишда пахта монокультурасининг янада кучайтирилиши, ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, кимёлаштириш ва бошқа тадбирларнинг самарасизлиги туфайли республикада экологик тангликни келиб чиқиши, бунинг оқибатида аҳоли генофондига салбий таъсири, шунингдек, асоссиз равишда ошириб юборилган режа топшириқларининг жорий қилиниши амалиёти пахтачилик тармоғида нохуш ҳолатларни келтириб чиқарди ва ўзбек халқининг қадр-қимматини ерга урилиши, уларни онгли равишда таҳқирлашга айланиб кетган «пахта иши» билан

боғлиқ қатағон қилиниши ҳамда янги раҳбариятнинг пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш учун кураши масалалари ёритилди.

Иқтисод фанлари

Юлдашев Равшан Зокирович: «Ўзбекистонда хусусийлаштирилган корхоналарни инвестиция билан таъминлаш бошқарувини такомиллаштириш» **(08.00.13)** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: А.Ш.Бекмурадов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: М.Л.Турсунходжаев, Ш.М.Зайнутдинов, Н.Сиражиддинов

Етакчи ташкилот: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

Ишнинг мақсади: Хусусийлаштирилган корхоналарда инновацион эҳтиёжларни инвестициялар билан таъминлаш соҳасида хориж тажрибасини тизимлаштириш ва унинг назарий асосларини чуқур ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистондаги хусусийлаштирилган корхоналарнинг инновацион дастурларини инвестиция билан таъминлаш жараёнларини бошқариш самарадорлигини янада ошириш бўйича илмий таклифларни ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Йирик хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятида инвестиция таркибининг ўсиб бораётган аҳамияти асослантилган; стратегик аҳамиятига эга хусусийлаштирилган корхоналарни инновацион ривожланишининг инвестиция билан таъминлаш жараёнларига давлат томонидан таъсир кўрсатиш механизмларининг назарий асослари ишлаб чиқилган; Ўзбекистонда хусусийлаштирилган корхоналарнинг инновацион ривожланиши учун чет эл ва мамлакатимиздаги инвестицияларни янада жалб қилиш имкониятларини ошириш методикаси ишлаб чиқилган; хусусийлаштирилган корхоналарни модернизация жараёнларида инвестиция билан таъминлашга давлат томонидан таъсир кўрсатиш стратегиясининг асоси бўлган омиллар аниқланган ва алгоритмлар асосида асослантилган; республикадаги хусусийлаштирилган корхоналарни модернизациялаштириш учун ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш жараёнларида бошқариш самарадорлигини оширишнинг устивор йўналишлари аниқланган. Менеджмент ва маркетингнинг замонавий усул ва инструментларидан фойдаланиш ҳисобига Ўзбекистонда хусусийлаштирилган корхоналарнинг инновацион эҳтиёжларини инвестициялар билан таъминлаш жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг янги механизмларини назарий жиҳатлари ва методик асослари ишлаб чиқилган.

Фалсафа фанлари

Хусейнова Абира Амоновна: «Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)» **(09.00.11)** – Ўзбекистон Миллий университети (100095, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 246-36-56) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: М.Н.Абдуллаева

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: Б.А.Алиев, Г.Ж.Туленова, Э.С.Султонова

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади - Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёллар фаоллигини ошириш масалаларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш.

Илмий янгилиги: фуқаролик жамиятининг тушунчаси ва социогенези, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг омиллари таҳлил этилган. Феминизм фалсафанинг аёллар масаласини, ижтимоий фаоллигини ўрганишга қаратилган назарий қарашлари эканлиги, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ва жамиятни бошқариш институтлари демократлашувининг асоси ва кўрсаткичи эканлиги очиб берилган. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарали ҳал этилиши аёлларнинг фаоллигига боғлиқлиги, фуқаролик жамиятида маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларнинг шаклланиши аёлларнинг фазилатлари, интеллектуал салоҳияти ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқлиги асосланган.

Диссертация хулосалари ижтимоий-фалсафий қарашларни, аёл ва жамият, гендер фалсафаси, феминизм ҳақидаги таълимотларни бойитади. Мамлакат ҳаётида аёлларнинг фаоллигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора тadbирларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, якуний хулосалар Бухоро вилояти ҳокимлиги фаолиятида, Бухоро шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро минтақавий ахборот таҳлил маркази, Бухоро вилояти ИИБ “Одам савдосига қарши кураш” бўлимида, Бухоро вилояти “Истиқболли авлод” марказида, “Маҳалла” хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимларида “Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”, “Ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш”, “Одам савдосига қарши кураш” мавзуларида ўтказилган тadbирларда, ходимларнинг назарий билимлари ва касбий маҳоратини оширишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда жорий қилинган.

Филология фанлари

Садиқов Зоҳид Якубжанович: «Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили» (10.01.07) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 114-52-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: Ҳ.Ҳомидов

Иш бажарилган ташкилот: Наманган давлат университети

Оппонентлар: Х.Б.Болтабоев, М.Э.Умархўжаев, М.Қ.Бақоева

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Диссертацияда XI асрда яратилган туркий халқларнинг илк достони Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари олмон ва инглизча таржималари аслият билан қиёсий типологик таҳлил қилинди. Бунда аслиятдаги тарихий-миллий ўзига хослик, бадиий асарнинг илмий ва илмий- адабий мақсадларда амалга оширилган таржималарида ижодийликнинг намоён бўлиши, қадимги туркий обида бадиий тасвир воситаларининг олмон ва инглизча талқини муаммолари ўрганилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ўзбек таржимашунослигида биринчи мартаба Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига хос бадиий тафаккур маҳсули бўлмиш “Қутадғу билиг” асарининг услубий ўзига хослигини таржимада қайта яратиш учун унга мос бўлган *таржимавий услуб калити* аниқланди. В.Радловнинг илмий мақсадларда амалга оширган таржимасидаги устивор жиҳатлар ҳамда Р.Денкоффнинг назмаралаш насрий таржимасидаги тажрибалари мисолида бу тамойиллар асосланди. “Қутадғу билиг” каби қомусий панднома матнига унинг олмон, инглиз, ўрни билан туркча таржималари, уларга ёзилган изоҳ, шарҳ, луғат ва бошқа тadbиротларни ҳам қўшган ҳолда ёндошилди. “Қутадғу билиг” асарини олмон ва инглиз тилларида қайта яратишнинг ўзига хос жиҳатларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш таржимашуносликда қадимги даврда яратилган асарларни ҳозирги тилларга ўгириш ҳамда матн ва таржима, матн ва талқин, бадиий асар таржимасида илмий шарҳ ва тавсиф каби назарий муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти “Қутадғу билиг” асарини олмон ва инглиз тилларига ўгирган В.Радлов ва Р.Денкоффларнинг таржимонлик маҳоратлари ва таржимада қўллаган тамойиллари таҳлили натижасида умумлаштирилган хулоса ҳамда тавсиялар асарнинг келажакдаги янги таржима нашрлари ҳамда мукаммал танқидий матнини яратишда қўл келиши ҳамда тadbирот натижалари ва хулосаларидан мамлакатимиз олий таълим муассасаларида адабий алоқалар, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик фанлари бўйича маъруза матнлари тайёрлаш, дарслик, ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланишдан иборатдир.

Боймирзаева Саодат Ўроқовна: «Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар» (10.02.01) – ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-42-64, 262-94-34) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: М.Қурбонова

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат университети

Оппонентлар: М.Расулова, М.Ҳакимов, М.Юлдашев

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети

Диссертацияда ўзбек тилида матн коммуникатив-прагматик мазмунининг яратилиши ва унинг идрок этилишини белгиловчи прагматик қонуниятлар ва лисоний воситаларни ажратиш билан боғлиқ

муаммоларни ўрганиш мақсади кўзланган. Матн ҳодисасининг онтологик моҳиятини батафсил ўрганиш, унинг мазмун доирасининг шаклланишида модаллик ва темпораллик каби лисоний категорияларнинг иштирокини белгилаш мулоқот тизимида хос ҳодисалар таҳлили учун муҳимдир.

Тадқиқотда матн ҳодисасининг моҳиятини белгилаш мақсадида ушбу ҳодисанинг категориал белгилари таҳлил этилиб, матн мазмунининг когнитив-дискурсив тавсифий хусусиятлари батафсил ва изчил равишда ёритилган. Матн коммуникатив-прагматик мазмунининг шаклланиши икки томонлама, яъни муаллиф ва реципиент ҳамкорлигидаги лисоний-когнитив фаолият эканлиги қайд этилган. Модаллик ва темпораллик категорияларининг матн моҳияти билан узвий алоқадорликда эканлиги аниқланиб, бу категорияларнинг матн коммуникатив ва прагматик мазмунини шакллантирувчи энг муҳим воситалардан бири эканлиги исботланган.

Матн модаллик майдони референтив ва субъектив қатламлардан иборат бўлиб, бу қатламларда муаллиф кўзлаётган мақсад ёки прагматик мўлжал ўз аксини топиши аниқланган. Шунингдек, ишда матн темпораллик майдони таҳлили асосида объектив, грамматик ва бадиий замон маъноларининг фарқловчи белгилари ажратилган ҳамда уларнинг ўзаро муносабатини тақозо этувчи ҳудудлар аниқланган.

Юридик фанлар

Эсанова Замира Нормуротовна: «Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари» **(12.00.04)** - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: Ш.Ш.Шорахметов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Э.Эгамбердиев, Ш.Н.Рўзиназаров, И.И.Насриев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни судга қадар ва судда кўришнинг моддий ва процессуал хусусиятларини ёритиш, бу борадаги назарий ва амалий муаммоларни таҳлил этиш, шунингдек, мазкур соҳага оид миллий қонунчилик нормаларини ўрганиш ва уларни хорижий давлатлар қонунчилиги билан солиштириш, мавзунинг ҳуқуқий табиатини моддий-ҳуқуқий (фуқаролик, оила ҳуқуқи) ва процессуал-ҳуқуқий (фуқаролик процессуал ҳуқуқи) нуқтаи назардан очиқ бериш ва шу асосда оила ва фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар, тавсиялар ва хулосалар беришдан иборатдир.

Ишнинг илмий янгилиги болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд ва бошқа органларда ҳимоя қилишга қаратилган моддий ва процессуал-ҳуқуқий жиҳатларни илк мартаба миллий қонунчилик нуқтаи назаридан комплекс тарзда ўрганиш натижасида оила ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанлари олдига турган вазифаларни изчил амалга ошириш, унинг назарий ва амалий асосларини бойитиш, бу соҳада вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш, моддий ва процессуал ҳуқуқ соҳасида замонавий йўналишларни вужудга келтириш ва ривожлантириш, уларнинг истиқболдаги вазифаларини амалга оширишга хизмат қилувчи ҳамда бу соҳадаги қонунчилик тизимини такомиллаштиришга оид илмий асослантирилган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида олинган амалий таклифлар, илмий тавсиялар, назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, бундай туркумдаги ишларни судда кўриш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Педагогика фанлари

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна: «Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг педагогик асослари (ақли заиф ўқувчилар мисолида)» **(13.00.03)** – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Ҳожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02) (диссертация ўзбек тилида)

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: М.Э.Ҳайдаров, Р.Ҳ.Джураев, Д.Ж.Шарипова

Етакчи ташкилот: Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш марказий институти

Иш махсус ёрдамга муҳтож, хусусан, ақли заиф ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари ва самарали тизимини ишлаб чиқиш масаласига бағишланган.

Илк бор ихтисослаштирилган касб-хунаар коллежлари, махсус мактаблар ва махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларини Ўзбекистон Республикаси маҳаллий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга тайёрлашнинг илмий-назарий, амалий, методик жиҳатлари ишлаб чиқилди ва самарали тизими яратилди:

- махсус мактаблар, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган саноат касб-хунаар коллежларидаги ақли заиф ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди;

- махсус ёрдамга муҳтож ақли заиф ўқувчиларнинг касб-хунарни танлашга бўлган қизиқишининг юзага келиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланди;

- ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда психологик-педагогик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, касб-хунарга тайёрлашнинг методик таъминоти; ихтисослаштирилган касб-хунаар коллежлари учун ДТС, ўқув режа, ўқув дастурлар, методик тавсияномалар, дарс ишланмалари ва ўқув қўлланмалар яратилди;

- махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда халқ хунаармандчилигидан самарали фойдаланилди;

- «Ошпаз-қандолатчи», «Кенг ассортиментдаги кўйлақлар тикувчиси» каби янги мутахассисликлар ихтисослаштирилган касб-хунаар мактаблари ўқув режасига киритилди;

- махсус таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланди;

- махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги таъминланди.

Тиббиёт фанлари

Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна: «Аёлларда ҳомиладорликдан ташқари ва ҳомиладорлик пайтида нормал ҳолатда ва ноқулай омиллар таъсир этганда иммунобиологик кўрсаткичлар» **(14.00.36-биология фанлари)** - ЎзР ФА Иммунология институти (100060, Тошкент, Я.Фуломов кўч., 74. Тел/факс: 233-08-55) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Т.У.Арипова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иммунология институти

Оппонентлар: Н.А.Нуралиев, Ю.К.Джаббарова, К.Н.Нишанбаев

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Аёлларда ҳомиладорликдан ташқари ва ҳомиладорлик пайтида нормал ҳолатда ва ноқулай омиллар таъсир этганда иммун тизим ҳужайравий ва гуморал бўғини ҳамда цитокинлар мақоми кўрсаткичларини ўрганиш.

Репродуктив ёшдаги амалий соғлом аёллар ҳайз циклига боғлиқ ҳолда узгарувчи яллиғланиш олди (IL-1B, IL-6, TNF α , IFN γ) яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлари ва ўткир фаза оксилларининг циклик синтези биринчи марта аниқланди. Лютеин фазада апоптоз жараёнининг активацияси биринчи марта кўрсатилди, бу Ҳайз циклининг шу фазасида антраль фолликулларнинг қайта ривожланишида ката аҳамиятга эга. Тухумдонда пролифератив жараёнлар ривожланишига TNF α нинг юкори даражаси ингибирловчи таъсири аниқланди. Шикастловчи омиллар таъсирида иммунитет тизимида бузилишлар рўй беради, бу эса туғиш ёшидаги аёллар репродуктив функциясида акс этади. Ҳомиладорлик физиологик кечишининг гестация динамикасида цитокинлар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги иммунологик характеристикаси биринчи марта берилди.

Туғруқ фаолиятида яллиғланишга қарши цитокинларнинг даражаси камайиши ва яллиғланиш олди цитокинларининг даражаси кутарилиши биринчи марта кўрсатилди.

Ҳомиладорлик даврида иммунологик толерантликни ушлаб туришда яллиғланишга қарши ва яллиғланиш олди цитокинларини даражаси нисбати аҳамиятли рол ўйнаши аниқланди, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг баланси бузилиши ҳомиладорлик вақтида иммунологик толерантлик ечилиши ва трофобласт ёки плацента кўчишига олиб келиши кўрсатилди.

ФАН НОМЗОДИ илмий даражасини олиш учун

Физика-математика фанлари

Нуралиев Фарход Абдуғаниевич: «Соболевнинг $L_2^{(m)}$ фазосида Эйлер-Маклорен типдаги оптимал квадратур формулалар қуриш» (01.01.07) – ЎзР ФА Математика ва информатсион технологиялар институти. (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 29. Тел.: 262-75-44, факс: 262-73-57) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.М.Шадиметов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Математика ва информатсион технологиялар институти

Оппонентлар: Р.Д.Алоев, Р.Р.Бакиев

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, квадратур ва кубатур формулалар аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш методларидир. Улар интеграл остидаги функциясининг бошланғич функциясини элементар функциялар орқали ифодалаб бўлмайдиган ёки интеграл остидаги функциясининг қийматлари чекли нуқталарда маълум бўлган аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун керак бўлади. Ундан ташқари, квадратур ва кубатур формулалар дифференциал ва интеграл тенгламаларни сонли ечиш учун асосий ва муҳим воситалардир. Шунинг учун интегралларни катта аниқликда ва кам меҳнат сарф қилиб тақрибий ҳисоблашга имкон берадиган квадратур ва кубатур формулалар қуриш ҳисоблаш математикасининг долзарб масалаларидан биридир.

Ишнинг мақсади: $L_2^{(m)}(0,1)$ фазосида ихтиёрий m ва N , $N \geq m$ натурал сонларда аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун Эйлер-Маклорен I, II типдаги оптимал квадратур формулалар қуриш, Соболев методидан фойдаланиб оптимал квадратур формулаларнинг коэффицентлари учун ошкор кўринишни олиш ва формулаларнинг хатолик функционаллари нормаларини ҳисоблаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги. Ушбу диссертация ишида Эйлер-Маклорен I, II типдаги квадратур формулаларнинг экстремал функциялари топилган. Эйлер-Маклорен I, II типдаги оптимал квадратур формулалар коэффицентлари учун Винер-Хопф типдаги чизикли тенгламалар системаси олинган ва бу системалар ечимларининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган. Эйлер-Маклорен I, II типдаги оптимал квадратур формулаларнинг коэффицентлари топилган. Эйлер-Маклорен I, II типдаги оптимал квадратур формулаларга мос келувчи оптимал хатолик функционаллар нормаларининг квадратлари ҳисобланган.

Худазаров Равшан Сапарович: «Трансверсал изотроп жисмлар учун термопластиклик аниқловчи муносабатлар» (01.02.04) – ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти (100125, Тошкент, Академшаҳарча, Дўрмон йўли кўч., 31. Тел.: 262-71-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Халджигитов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

Оппонентлар: И.Мирзаев, Р.А.Абиров

Етакчи ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ишнинг мақсади: трансверсал изотроп жисмлар учун термопластиклик аниқловчи муносабатларни тадқиқ этиш. Бу аниқловчи муносабатлар асосида уч ўлчовли термопластик боғлиқмас масалаларни ҳар хил чегаравий шартлар ва турли температуралар майдони таъсирида сонли ечиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- трансверсал изотроп жисмлар учун термопластиклик аниқловчи муносабатлар тақлиф этилган ва термодинамика қонунлари асосида уларнинг ўринлилиги кўрсатилган;

- трансверсал изотроп жисмлар учун боғлиқмас термопластик чегаравий масала қўйилган ва унинг умумлашган ечими мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги теорема исботланган;

- термопластик масалаларга мос тўр тенгламалар системаси қурилган ва уни сонли ечиш алгоритми ва дастури яратилган;
- трансверсал изотроп параллелепипед учун турли чегаравий шартлар ва температуралар майдонини ҳисобга олган ҳолда уч ўлчовли боғлиқмас термопластик масалалар сонли ечилган;
- трансверсал изотроп параллелепипедда ҳосил бўлган термопластик зоналар, кучланишларнинг тарқалиши, уларга анизотропик хоссасининг таъсири ўрганилган, турли хил температуралар майдони ва ҳар хил чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилган.

Жураева Нафиса Иноятовна: « Tm^{3+} , Ho^{3+} ва Er^{3+} нодир ер ионлар оптик, магнит ва магнитооптик хоссаларини D_2 ва C_s кристалл майдонлар симметриясидаги хусусиятлари» **(01.04.05)** – ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими (100135, Тошкент, Қатортол кўч., 28. Тел.: 276-44-57) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: У.В.Валиев

Иш бажарилган ташкилотлар: Ўзбекистон Миллий университети,

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали

Оппонентлар: О.Қ.Қувондиқов, О.В.Трунилина

Етакчи ташкилот: РФА СБ Физика институти (Красноярск, Россия)

Оптик ва магнитооптик тадқиқотлар экспериментал натижалари асосида Ho^{3+} нокрамерс нодир ер ионини галлат-гранат кристаллик структурасидаги асосий $4f^{10}$ конфигурациясини электрон ҳолатларини штарк ажралишини назарий-группа тахлили ўтказилган. Er^{3+} крамерс нодир ер ионини ортоалюминат кристаллик структурасидаги асосий $4f^{11}$ конфигурациясини электрон ҳолатларини штарк ажралишини хусусиятлари экспериментал натижалари асосида илк бор батафсил тахлил қилинган. $ErYAlO_3$ эрбий-иттрий алюминатни магнитланиш механизмида ташқи магнит майдон орқали ортоалюминат структурасидаги Er^{3+} крамерс ионини электрон ҳолатларининг Ван-Флек «аралаш» механизми ката рол ўйнаши топилган. Тулий-иттрий гранат алюминатда $Tm^{3+}:YAG$ нурланувчи $4f \rightarrow 4f$ ўтишларни магнитооптикасида ташқи майдон Н орқали нокрамерс нодир ер ионини ғалаёнланган электрон ҳолатларида «аралаш» механизмини устунлиги кўрсатилган. Ушбу физик механизми мазкур гранатни магнит хусусиятларини тушунтирувчи Ван-Флек «аралаш» механизмига ўхшаш, лекин люминесценцияни магнитли циркуляр қутбланишига аралашуш улушини нисбий катталиги гранат структурасидаги нодир ер ионини асосий ҳолатдан ўтишларда ҳосил бўладиган магнитооптик эффектларга (Фарадей эффекти, магнит айлана дихроизм ва х.к.). Ван-Флек улушидан анча ката эканлиги маълум бўлди. Гранат-галлатдаги Ho^{3+} ионида паст температураларда 5S_2 ва 5I_8 нурланиш ўтишда топилган магнитооптик активлигини катта бўлган қиймати энергетик спектрлар 5S_2 ва 5I_8 мультиплетларида квазидублет (квазиайниган) ҳолатларининг мавжудлиги билан боғлиқлиги кўрсатилган.

Кимё фанлари

Чепульский Станислав Александрович: «Карболинли алкалоидлар билан d-металларнинг координацион бирикмалари» **(02.00.01)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ, Тел.: 214-52-36, факс: 246-53-21) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.А.Парпиев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Т.А.Азизов, С.Д.Насирдинов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади - карболинли алкалоидлар асосидаги биологик фаол лигандлар билан қатор оралиқ металларнинг координацион бирикмаларини синтези ва тадқиқоти. Биометаллар билан карболинларнинг комплекс ҳосил қилиш жараёнидаги қонуниятларини ҳамда бир қатор синтез қилинган комплекс бирикмалардан биологик фаолликка эга бўлганларини аниқлаш.

Ишнинг илмий янгилиги - биринчи бор гармалин, гармин ва унинг янги фторҳосиласи асосида қатор комплекс бирикмалар синтез қилинди, улар тахлилнинг физик-кимёвий усуллари билан ўрганилди. РМЗ яримэмпирик усул билан лигандлар молекулаларининг эркин, протонлашган ва анион шакллари электрон тузилишлари ҳисобланди ҳамда уларнинг геометрик ва энергетик тавсифлари аниқланди. Заряд ва орбитал назоратлар асосида координацион боғ локаллашувининг

юқори эҳтимолликга эга бўлган марказлари аниқланди. Илк бор иккита янги гармалинли комплекслар учун кристалл тузилиш аниқланди. Биологик фаоллик ва фитотоксикликни баҳолаш учун олинган бирикмалар тестдан ўтказилди.

Тиллайев Санжар Усмонович: «Тутун газларидан кислород ва углерод (II) оксидини термokatалитик аниқлаш» **(02.00.02)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Э.Абдурахманов

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат университети

Оппонентлар: Б.Д.Кабулов, А.Т.Артыков

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Ишнинг мақсади тутун газлари таркибидан кислород ва углерод (II) оксидини термokatалитик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш шароитини танлаш ва мақбуллаштириш, шунингдек, тадқиқот натижаларидан ўлчаш диапазони, аниқлиги, соддалиги ва фойдаланишда қулайлиги бўйича теплоэнергетика талабларига мос келувчи, тутун газлари таркибини назорат қиладиган асбоблар яратишда амалда фойдаланишдир.

Ишнинг илмий янгилиги. Термосезгир элемент катализатори юзасида мўл миқдорда олинган ёнувчи модданинг ҳаво кислороди билан оксидланишига асосланган, тутун газлари таркибидан кислородни аниқлашнинг термokatалитик усули ишлаб чиқилган. Платина гуруҳи металлари ёки уларнинг бирикмалари асосида, турли температурали каталитик қатламга эга, автоном кучланишли иккита сенсордан фойдаланишга асосланган СО ни термokatалитик аниқлашнинг селективлигини таъминлаш усули таклиф қилинган. Термokatалитик усулда ишлайдиган «ГТК-О₂-α» газ анализаторидан фойдаланишга асосланган, тутун газлари таркибидан ҳавонинг ортиқчалик коэффициентини (ҲОК) ни аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва таклиф этилган.

Муинов Ботир Баходирович: «Янги акрил полиэлектролитлар олиш технологияси ва уларни қўллаш» **(02.00.11-техника фанлари)** - ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўч., 77-а. Тел.: 262-56-60, факс: 262-79-90) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Агзамходжаев

Иш бажарилган ташкилот: ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Оппонентлар: С.Н.Аминов, Н.А.Хаджаханов

Етакчи ташкилот: ТДТУ қошидаги «Фан ва тараққиёт» ДУК

Ишнинг мақсади “нитрон» толаси ишлабчиқариш чиқиндиси (НТИЧ) асосида юқоригидролизланган полиэлектролит (ЮГПЭ) олиш, уни уч атомли спирт – глицин ва ёғ-мой саноати чиқиндиси – госсипол смоласи билан модификациялаб янги турдаги полимерлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва амалиётга қўллаш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: биринчи мартаба НТИЧ асосида қаттиқ шароитда юқори даражада гидролизланган ЮГПЭ олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилган ҳамда унинг модификацияланган ҳосилалари – глицерин билан модификацияланган РС-2-3 қуюқлаштирувчи реагенти ва госсипол смоласи билан модификацияланган структура ҳосил қилувчи МС-1 мустаҳкамловчи реагенти яратилган. НТИЧни қаттиқ шароитда ишқорий гидролизлаш жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш жараёнининг оптимал шароитларини бошқариш ва назорат қилиш ишлари аниқланган. РС-2-3 ва МС-1 реагентларини олиниш технологияси ишлаб чиқилган. РС-2-3 реагенти ОАЖ «Олмалик ТМК»нинг Ангрен олтин ажратиш олиш фабрикасида қимматбаҳо металл флотоконцентратларини қуюқлаштирувчи флокулянт сифатида саноат синовидан ўтган ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган. МС-1 реагентининг ёғоч қипиғи билан бўлган комплекс аралашмаси шўрланган қум эрозиясини тўхтатиши ва қуриган Орол туби экологик шароитини яхшилаши аниқланган. Мустаҳкамловчи қўшилма комплексининг дала тажриба-синов ишлари қуриган Орол тубининг Қозоқдарё бўйларида олиб борилиб, қуриган Орол тубининг Муйноқ, Рыбачк қўлтиқлари ҳамда Қозоқдарё бўйларида шўрланган қумларни мустаҳкамлашда қўллаш учун тавсия берилган.

Салиханова Дилноза Саидакбаровна: «ЎЮЧ-нурлантиришдан фойдаланиб фаолланган гил адсорбентларини олиш ва қўллаш технологияси» **(02.00.11-**

техника фанлари) - ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўч., 77-а. Тел.: 262-56-60) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Агзамходжаев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Оппонентлар: Й.Кадыров, Б.Х.Убайдуллаев

Етакчи ташкилот: «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОТАЖ

Ишнинг мақсади: ЎЮЧ-нурлантиришдан фойдаланиб ўсимлик мойларини селектив тозалаш учун керакли бўлган фаоллантирилган гилмояли адсорбентлар олиш ва қўллашнинг самарали технологиясини яратиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: биринчи маротаба H_2SO_4 нинг сувли эритмаси ва 2450 мГц частотали ЎЮЧ-нурлантириш ёрдамида маҳаллий минерал гилмояларни (бентонит, каолин ва палыгорскит) фаоллантиришнинг ноанъанавий усули яратилган. Микротўлқинли нурлантиришдан фойдаланиб олинадиган адсорбентларда уларнинг гидрат қабатларидаги сув молекулалари ажралиб чиқиши ҳисобига адсорбентларнинг фаол марказлари миқдори ва ўтувчи ғовақларнинг ҳажми ошиши ва улар ёрдамида ўсимлик мойларини тозалаш жараёни даражаси ортиши, яъни пахта мойидаги госсипол ва унинг ҳосилаларини танлаб ютилиши аниқланган. Ўсимлик мойларини тозалаш учун фаоллантирилган маҳаллий адсорбентлардан самарали композициялар яратилган.

Ўсимлик мойларини селектив тозалаш ва ЎЮЧ-нурлантириш ёрдамида фаоллантирилган гилмояли адсорбентлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган. «Янгийўл ёғ-мой» ОТАЖда пахта мойларини таклиф этилаётган адсорбентлар ёрдамида тозалаш бўйича саноат тажриба-синовлари ижобий натижалар берган.

Биология фанлари

Эшмуродова Наргиза Шарофовна: «Оҳангарон дарёсининг альгофлораси» (03.00.05) – ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ (100053, Тошкент, Боғишамол кўч., 232. Тел.: 289-04-65, факс: 262-79-38) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Х.А.Алимжанова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ

Оппонентлар: М.А.Кучкарова, Ш.Ж.Тожибаев

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Ишнинг мақсади: Оҳангарон дарёсининг альгофлорасини ўрганиш ва Оҳангарон дарёси сувининг экология-санитария ҳолатини баҳолашда индикатор сапроб сувўтларининг аҳамиятини аниқлаш.

Оҳангарон дарёси сувўтларининг турлар таркиби биринчи марта келтирилаётган бўлиб, таксономик жиҳатдан 6 та бўлим, 13 та синф, 17 та тартиб, 36 та оила, 61 та туркумга ҳос 210 та тур ва тур хилларидан ташкил топиши аниқланди.

Сувўтларининг дарё оқимлари бўйлаб тарқалиши ва йил мавсумлари давомида ривожланиши, шунингдек, индикатор сапроб сувўтлар ўрганилди. Биринчи марта сувнинг сапроблик индекси (Si) ҳисоблаб чиқилди, шу асосда Оҳангарон дарёси сувининг сифати баҳоланди ва сапроблик зоналари аниқланди.

Сув ҳавзаларининг сувўтлар флораси таркиби, уларнинг миқдорий кўрсаткичларига қараб, сувларнинг ифлосланганлик даражасини аниқлаш имконияти ва сув ҳавзаларининг санитар-гигиеник ҳолатини баҳолашда сувўтларининг аҳамияти катта эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланди.

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон сувўтлар аниқлагичларини тузишда, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини назорат қилиб боришда фойдаланилмоқда.

Қаранг яна: К.Р.Касимова (14.00.25), М.И.Набиева (14.00.29), Э.Т.Макшаева (14.00.36), Ф.Т.Нигманов (14.00.36)

Геология-минералогия фанлари

Стедьмах Анна Григорьевна: «Чирчиқ воҳасидаги голоцен ётқизикларнинг магнитостратиграфияси» (04.00.01) – ЎзР ФА Геология ва геофизика институти (100041, Тошкент, Академшаҳарча, Олимлар кўч., 49) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.А.Тойчиев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Б.И.Пинхасов, Д.Б.Джамалов

Етакчи ташкилот: «Нодир ва рангли металллар геологияси» ИИЧМ

Ишнинг мақсади: Чирчиқ воҳаси геологик кесимларини палеомагнит усулида ўрганиш орқали голоцен ётқизикларини магнитостратиграфик схемасини яратиш ва Ер магнит майдонини голоцен даври вақт-фазовий структурасини хусусиятларини аниқлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: биринчи марта Чирчиқ воҳаси континентал голоцен ётқизиклари учун магнитостратиграфик тадқиқотлар усули ёрдамида даврнинг магнит майдони структурасини модели тузилди, ўрганилган қирқимларнинг магнитостратиграфик бўлинмалари ажратилди ва таққослаш мумкин бўлган магнитостратиграфик схемаси тузилди. Қисқа муддатли оғишларнинг ёши, террасаларни голоцен ётқизикларининг ёшини аниқлашда, кенг регионал палеогеографик реконструкция ишларини амалга оширишда ҳамда палеоклим ва археологик маълумотлар билан боғлашда фойдаланилади.

Ишнинг амалий аҳамияти: голоцен даври геомагнит майдонини қисқа муддатли аномал ўзгаришларнинг стратиграфик ҳолатларини аниқлашдан, уларни давр ётқизиклари учун палеомагнит репер сифатида ишлатишни ҳамда уларни геологик ва стратиграфик масалаларни ҳал этишдан, голоцен ётқизикларни магнитостратиграфик бўлимларга ажратишдан ва Ўзбекистон ҳудудини голоцен ётқизикларини регионал стратиграфик схемасини ишлаб чиқишдан ва ўзаро таққослашни амалга оширишдан иборатдир.

Техника фанлари

Амиркулов Нуриддин Сайфуллаевич: «Ўзбекистонда ишлатилаётган конлар нефтини йиғиш, тайёрлаш ва транспорт қилиш технологиясини такомиллаштириш» (05.15.06) - Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти (100059, Тошкент, Шота Руставели кўч., 114. Тел.: 253-09-78) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: П.К.Азимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: Э.К.Ирматов, Р.К.Ситдикходжаев

Етакчи ташкилот: «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АК

Ишнинг мақсади конларни жиҳозлаш ва углеводородлар йўқотилишини камайтириш, нефть хусусиятларини чуқур ўрганиш асосида, уни йиғиш, тайёрлаш, транспорт қилиш ва сақлаш системаларини такомиллаштириш йўли билан капитал харажатларни камайтиришдан иборат.

Биринчи маротаба нефтни йиғиш, тайёрлаш, транспорт қилиш ва сақлаш системаларини жиҳозлаш объектларини лойиҳалаш ва ишлатишни таҳлил қилиш асосида нефть, нефть-газ ва нефть-газконденсат конларини таснифи ишлаб чиқилди, у ушбу системаларни такомиллаштиришнинг самарали тадбирларини ишлаб чиқишга имкон берди.

Автоматик гуруҳий ўлчаш қурилмаларидан таркиб топган йиғув пунктларини жиҳозлашга капитал маблаҳ сарфини камайтириш бўйича таклиф киритилган ва ҳал қилинган, нефть-газ ҳошияларини дренажлайдиган қудуқлар маҳсулотини ҳисобга олиш схемаси такомиллаштирилган ва очиқ омборларда нефтни узоқ вақт сақлашда буғланишдан йўқотилишини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Автоматик гуруҳий ўлчов қурилмалари йиғув пунктларини бир майдончага тўплаш ва нефтни фалокатли йўқотиш қийматини белгиловчи баланс тенгламаларини такомиллаштириш, нефтни йиғиш, тайёрлаш, узатиш ва сақлаш системаларини қуриш ҳамда ҳозирги вақда бундай технологик жараёнларни моделлаштириш орқали углеводородлар йўқотилишини ва сарфланадиган маблағларни камайтириш имконини беради.

Умедов Шерали Халлоқович: «Қудуқларни бурғилашда юқори минераллашган қатлам сувлари асосида ювувчи суюқликларни ишлаб чиқиш» (05.15.10) – Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти (100059, Тошкент, Шота Руставели кўч., 114. Тел.: 250-92-15) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.К.Рахимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: А.А.Абдумажитов, Т.К.Карабаев

Етакчи ташкилот: «Ўзгеобурнефтегаз» АК

Иш қудуқларни бурғилаш жараёнида қўлланиладиган ювувчи суюқликни янги полимер реагент ёрдамида ерости шўр сувлари асосида тайёрлашга ва уни самарадорлигини оширишга қаратилган.

Сувда эрувчан янги полимер реагент гилам тўқишда ҳосил бўладиган чиқиндилардан тайёрланади. Бу реагент бурғилаш учун ювувчи суюқлик тайёрлашда ташиб келинадиган чучук сув ўрнига қудуқдан олинаётган шўр сувни ишлатиш имконини беради.

Янги полимер реагент ювувчи суюқликка қўшилганда унинг сув бераолувчанлиги, реологик ва механик-структуравий хоссалари пасаяди. Натижада роторнинг айлантириш моменти ҳамда суюқлик айланиш тизимида гидравлик қаршилиқ камаяди.

Бу реагент таркибидаги мавжуд микротолалар ва кўпвалентли металллар агрессив ионлар таъсирига чидамлилиги билан бошқа кимёвий реагентлардан фарқ қилади. Реагентларнинг ушбу хусусиятлари туфайли ювувчи суюқликларни хусусияти яхшиланиб, чуқур қудуқларни асоратсиз бурғилаш имконини беради.

Адилов Зарифжон Химматович: «Инсектицид фаолликка эга бўлган хлорат тутувчи дефолиантлар олишнинг кимёси ва технологияси» **(05.17.01)** - ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (100170, Тошкент, М.Улуғбек кўч., 77^А. Тел.: 262-56-60, факс: 262-79-90) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.Тўхтаев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Оппонентлар: А.У.Эркаев, А.Х.Юсупов

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Ишнинг мақсади: натрий ва магний хлорати, карбамид, натрий учкарбамид хлорати, ацефат, ацетамиприд, этанол ва циперметрин асосида инсектицид активлигига эга бўлган дефолиантлар олишни физик-кимёвий асослаш ва технологик схема, технологик режим меъёрларини, ишлаб чиқаришнинг мақбул параметрларини аниқлаш.

Илк маротаба компонентлари сув, натрий ва магний хлорати, карбамид, натрий учкарбамид хлорати ва ацефат, ацетамиприд, циперметрин, этаноллардан иборат бўлган, саккизта мураккаб системалардаги ўзаро эрувчанлик ҳақидаги маълумотлар олинди. Ўрганилган системалардаги ўзаро компонентларнинг таъсирлашуви ва эрувчанлигининг ўзига хослиги очиб берилди. Янги инсектицид фаолликка эга бўлган суюқ дефолиантларнинг таркиблари ва препаратив шакллари яратилди ва оптимал технологик шароитлари, олиш технологиялари ишлаб чиқилди.

Инсектицидлик хусусиятига эга бўлган дефолиантлар пахта далаларида қўлланилганда пахта барглари самарали тўкилишини таъминлайди, ҳамда шира, оққанот, трипс каби сўрувчи зараркундаларни бутунлай йўқотади. Улар таъсирида толанинг клейсимон намлиниши оқибатида ифлосланиши ва сифатини пасайишини олди олинади.

Адинаев Хидир Абдуллаевич: «Қўрғошинли шиша ва ситаллар таркиби ва олиш технологиясини яратиш» **(05.17.11)** – Тошкент кимё-технология институти (100011, Тошкент, А.Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-20) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Исмаилов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Оппонентлар: С.С.Касимова, Д.С.Кадирова

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Ишнинг мақсади PbO-SiO_2 системаси асосида шиша ва ситаллар яратиш, назарий ҳисоблаш ва тажриба йўллари билан физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, рангли шиша ва ситаллар олиш имкониятини ўрганиш ва уларни қўлланиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Биринчи марта PbO-SiO_2 системаси асосида микрошишашариклар, катафоталар, бадий қисмлар ва ү-нурланишга чидамли материаллар олиш учун яроқли иккита оптимал таркиб ($70\% \text{PbO} + 30\% \text{SiO}_2$ ва $80\% \text{PbO} + 20\% \text{SiO}_2$) яратилди.

Биринчи марта $80\% \text{PbO} + 20\% \text{SiO}_2$ таркибли шихтадан шиша ҳосил бўлиш жараёни иккита ($2\text{PbO} \cdot \text{SiO}_2$ ва $\text{PbO} \cdot \text{SiO}_2$) оралиқ фаза ҳосил бўлиши орқали амалга ошириш тажрибада тасдиқланди;

70% PbO + 30% SiO₂ таркибли шихтадан эса, шиша ҳосил бўлиш жараёнида фақат битта оралиқ фаза – PbO•SiO₂ ҳосил бўлади.

Биринчи марта қўрғошин силикатли шишани микрошишашарикларга ва сўнгра йўл-сигнал белгиларига ўтишнинг барча технологик цикли ўрганиб чиқилди. Cr₂O₃, Mn₂O₃, Fe₂O₃ ва Ni₂O₃ лардан фойдаланиб рангли шишалар олинди ва уларни витражлар, панно ва бошқалар тайёрлашда яроқли эканлиги аниқланди.

Қатор камёб элементлар қўшиб шишалар синтез қилинди ва уларни ситаллга ўтиш имкониятлари ўрганилди. Олинган шишалардан ү-нурланишга чидамли материаллар олиш мумкинлиги исботланди. Ўрганилаётган шишаларни ситалланишида термик ишлов бериш ва кристалланиш шароитига қараб паст ҳароратда PbO•SiO₂ фазасини ҳосил бўлиш механизмига аниқлик киритилди.

Рузибаев Баҳром Рустамбаевич: «Маҳаллий хом ашё материаллари асосида техник ситаллар» **(05.17.11)** – Тошкент кимё-технология институти (100011, Тошкент, А.Навоий кўч., 32. Тел.: 244-79-20) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Х.Арипова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Оппонентлар: М.Ю.Юнусов, П.А.Арифов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Материалшунослик институти

Ишнинг мақсади маҳаллий хом ашёлар, Ангрен каолини, Заргар кварци ва Гузор доломити, асосида техник мақсадларида ишлатиладиган шиша ва шишакристалл таркибларини ишлаб чиқиш ва уларнинг физик-механик, кимёвий хоссаларини ўрганишдан иборат.

Танланган хом ашё материаллари асосида диопсидсимон ва анортитсимон тузилишидаги қаттиқ жисмларни олиш лойиҳаланган. Танланган хом ашё материаллари асосида кварц-каолин-доломит системаси тузилиб, ундаги таркибларнинг эриш ҳарорати, шиша ҳосил бўлиш майдони ва ҳарорати, олинган шиша ва ситалл материаллари фазавий таркиблари, тайёрланган шихталар эриш ҳароратлари, физик-механик ва кимёвий хоссалари ўрганилган. Уларни синтез қилиш технологик параметрлари аниқланган.

Олинган натижалар асосида шиша ва ситаллар олиш технологик регламенти тақдим этилган. Кварц-каолин-доломит системаси асосида олинган ситаллар юқори физик-механик ва кимёвий хоссаларга эга эканлиги кўрсатилган.

Мансурова Муниса Анваровна: «Деформацияланувчи матолардан тикув буюмларини тайёрлаш учун икки ипли занжирли чок ҳосил қилиш услубини ишлаб чиқиш» **(05.19.04)** - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (100100, Тошкент, Шохжаҳон кўч., 5. Тел.: 253-06-06) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: З.Ш.Таджибаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Оппонентлар: О.Р.Жилисбаева, С.У.Пулатова

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти

Ишнинг мақсади деформацияланувчи матолардан тикув буюмларини тайёрлаш учун икки ипли занжирли чокни ҳосил қилиш услубини ишлаб чиқиш ҳамда тажрибавий тикув машинаси ишчи элементлари параметрларини асослашдир.

Қуйидаги янги илмий натижалар олинган: юқори деформацияланувчи матолардан тикув буюмларини тайёрлаш учун янги икки ипли занжирли чок схемаси яратилди ва уни ҳосил қилиш услуби ишлаб чиқилди; икки ипли занжирли чокни пастки ипи таранглигини аниқлаш формуласи келтириб чиқарилди; тикилаётган матоларнинг қалинлиги ва баҳя узунликларини ўзгаришига қараб юқори ва пастки ипларни икки ипли занжирли чокни ҳосил қилишдаги сарф қийматларини ўзгариш қонуниятлари аниқланди; 401 типдаги юқори эластикли икки ипли занжирли чокни юқори ипи таранглигини аниқлаш методи таклиф қилинди; ўзгартирувчи регулятор пружинасининг бикрлик коэффицентини ўзгаришига қараб юқори ипни умумий таранглигини ўзгариш графиги олинди; тавсия қилинган икки ипли занжирли чок билан тикилган деформацияланувчи трикотажд матоларининг намуналарини тажриба усулида синаб, чокларни узиш кучлари ва деформацияланиш қонуниятлари аниқланди; икки ипли занжирли чокни баҳя узунлигига қараб чокни узиш кучини ўзгаришини ифодаловчи боғланишлари топилди.

Мирсаидов Азиз Тўлқунович: «Ўзапоялар прессподборшчиги териб олувчи механизмининг параметрларини асослаш» (05.20.01) – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўч., 39., Тел.: 237-19-31, факс: 237-38-79) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.А.Куламетов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ

Оппонентлар: Б.П.Шаймарданов, А.А.Дўскулов

Етакчи ташкилот: «БМКБ-Агромаш» ОАЖ

Ишнинг мақсади: Прессподборшчик териб олувчи механизмининг ўзапояларни териб олишда технологик жараён бажарилиш сифатини ошириш имконини берувчи параметрлари ва иш режимларини асослаш.

Қуйидаги янги илмий натижалар олинди:

- прессподборшчик териб олувчи механизми тишларини ўзапоялар ва улар қайтаргичлари билан таъсирлашишини ифодаловчи аналитик боғлиқликлар;

- териб олувчи механизм параметрлари ва иш режимлари (тезликлар нисбати, хаскашлар сони, тишларни дала юзасига нисбатан ўрнатилиш баландлиги)ни аниқлаш учун аналитик боғлиқликлар;

- ўзапояларни териб олиш тўлиқлигини агрегат ҳаракат тезлиги, тишларнинг айланма тезлиги, кожухдан чиқиб турган қисми узунлиги ҳамда дала юзасига нисбатан ўрнатилиш баландлиги, тезликлар нисбати ҳамда териб олувчи механизм валининг айланишлар сонига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари.

Шакиров Туйгунжон Тургунович: «Енгил бетон учун кварцли порфир ва кўмир қазиб олиш чиқиндиларидан ғовак тўлдиргич олиш технологияси» (05.23.05) – Тошкент темир йўл муҳандислари институти (100167, Тошкент, Одилхўжаев кўч., 1. Тел.: 291-14-40, факс: 291-10-73) (диссертация рус тилида)

Идмий раҳбар: У.А.Ғазиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент архитектура-қурилиш институти

Оппонентлар: Е.В.Щипачева, М.М.Абдуллаев

Етакчи ташкилот: «Тошқурилишматериаллари ЛИТИ» МЧЖ

Ишнинг мақсади - кварцли порфир ва углерод қўшилмасига эга каолинитли гилтупроқдан ғовак тўлдиргич олиш мумкинлигини асослаш, ушбу ғовак тўлдиргич асосида таркибга суперпластификатор (СП) қўшиш йўли билан хоссалари яхшиланган енгил бетонларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқишдир.

Кварцли порфир ва Ангрен кўмир конининг углерод қўшилмасига эга каолинитли гилтупроқидан стандартлар талабларига жавоб берувчи ғовак тўлдиргич олишда оптималлаштирилган шихтанинг таркиби ва технологик режими, ҳамда В5-В25 синфли технологик ва физик-техникавий хоссалари яхшиланган енгил бетонларнинг цементнинг сарфи бўйича тежамкор таркиблари ишлаб чиқилди.

Ишнинг натижаларидан "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" ОАЖнинг ДП"ЭКИ" корхонасида ғовак тўлдиргичнинг 20 м³ ҳажмдаги тажрибавий партиясини олишда, "ЗЖБИ-1" МЧЖда олинган ғовак тўлдиргич ва СП "Реламикс" қўшимчасни қўллаб В5 синфига мансуб конструктив- иссиқлик изоляцияловчи енгил бетондан майда девор блоклари тайёрлашда фойдаланилди.

Қаранг яна: Б.Б.Муинов (02.00.11), Д.С.Салиханова (02.00.11),

Э.Б.Халтурсунов (18.00.04)

Қишлоқ хўжалик фанлари

Пирманова Санобар Мадияровна: «Тошкент вилояти шароитида помидор етиштиришнинг оптимал муддатлари ва усулларини асослаш» (06.01.06) – Тошкент давлат аграр университети (100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ТошДАУ. Тел.: 260-48-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.И.Дусмуратова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: М.Х.Арамов, З.Т.Бустанов

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ишнинг мақсади: Тошкент вилояти шароитида истеъмолбоп ва уруғлик помидордан юқори ҳосил олиш учун ўрта-эртаги, ўртапишар ва ўртаги-кечки помидор навларининг кўчатларини етиштиришнинг оптимал муддатларини ҳамда етиштириш усулини аниқлаш ва илмий асослаш.

Ишнинг илмий-амалий аҳамияти: Ўзбекистон шароитида биринчи марта мамлакатимизда яратилган, ўрта-эртаги, ўртаги ва ўрта-кечки истиқболли помидор навларида кўчатсиз ва кўчатдан етиштириш усулларининг, экиш муддатларининг ўсимликлар ривожланиш фазаларининг давомийлигига, ўсишига, мевалар ва уруғлар ҳосилдорлигига, помидор меваларининг товарбоплик сифатлари ҳамда биокимёвий таркибига, уруғларнинг экинбоплик ва маҳсулдорлик сифатларига таъсири аниқланди.

Экспериментлар асосида ўсимликлар ўсув даври давомийлиги ва ҳосилдорлик ўртасидаги боғликлиги ўрганилган, ўсув даврини давомийлигига таъсир этувчи омиллар, мевалар ҳосилининг ҳажми ва сифати аниқланди, уруғлик ўсимликларини экиш муддатлари ва усулининг уруғлар маҳсулдорлигига, уруғларнинг экинбоплик ва маҳсулдорлик сифатларига таъсири ўрганилди. Тошкент вилояти шароитида Авиценна, Сурхон 142 ва ТМК-22 навларини экиш муддатлари ва усулларига оид илмий асосланган тавсиялар берилди. 20-25 апрел ва 5-10 майда кўчатидан экиш усули 5-10 апрелда уруғдан экилганига нисбатан яхши натижа берди. Кўчат билан етиштирилганида товар маҳсулот учун 20-25 апрелда экиш мақсадга мувофиқ. Ушбу муддатда ўрганилган навлардан энг юқори товар мевалар ҳосили олинди.

Хошимхўжаев Бехзод Музаффарович: «Иситиладиган плёнка қопламали иссиқхоналарда қишки-баҳорги мавсум учун помидорнинг F_1 дурагайлари танилаш ва уларни етиштириш технологияси элементларини ишлаб чиқиш» (06.01.06) – Тошкент давлат аграр университети (100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ТошДАУ. Тел.: 260-48-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.Ф.Гавриш

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ

Оппонентлар: М.Ю.Ибрагимов, А.А.Атаходжаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон ўсимликшунослик ИТИ

Ишнинг мақсади: Иситиладиган плёнка қопламали иссиқхоналарда қишки-баҳорги мавсум учун помидорнинг F_1 дурагайлари танилаш ва уларни етиштириш технологияси элементлари – мақбул уруғ сепиш ва кўчат экиш муддатлари ҳамда мақбул экиш схемаларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Тошкент вилояти ҳудудида биринчи марта иситиладиган плёнка қопламали иссиқхоналарда қишки-баҳорги мавсумда етиштириш учун помидор F_1 дурагайлари тўплами ўрганилган, истиқболлилари аниқланган ва уларни етиштириш технологияси элементлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, иситиладиган плёнка қопламали иссиқхоналарда қишки-баҳорги мавсумда етиштириш учун помидорнинг истиқболли F_1 дурагайлари танланган. Уларни етиштириш технологиясини асосий элементлари ишлаб чиқилган. Иссиқхона хўжаликлари учун F_1 Алькасар, F_1 Челбас, F_1 Добрунь дурагайлари дастлабки синов учун, F_1 Halay, F_1 Elpida, F_1 Syta, F_1 Don Jose ҳамда F_1 Сайхун маҳаллий дурагайи кенг етиштириш учун тавсия қилинади.

Помидорнинг F_1 дурагайлари уруғларини 10 ноябрда сепиш, кўчатларни эса 10 январда экиш ҳосилдорликини $0,5-0,8 \text{ кг/м}^2$ га ошишини, қўшимча даромат эса 525,0 дан 700,0 сўм/м² гача бўлишини таъмин этди. Таклиф этилаётган экиш схемаси – $80 \times 50 \text{ см}$ (25 минг ўсимлик/га) ни жорий этилиши $0,4-0,8 \text{ кг/м}^2$ қўшимча ҳосил ва 350,0 дан 700 сум/м² гача қўшимча даромад олиш имконини берди.

Данияров Умирзак Тўхтамуродович: «Такрорий қурт боқиш учун тут ипак қуртининг зотлари ва дурагайлари танилаш ва такомиллаштириш» (06.01.08) –

“Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик ИТИ (111212, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Қизил шалола” п/б. Тел.: 8(370) 95-65-335) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Б.Якубов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: С.С.Леженко, С.Наврозов

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ишнинг мақсади ёз ва куз мавсумларида ўтказиладиган такрорий қурт боқиш даврида ташқи муҳит шароитига мослашган зот ва дурагайлари яратиш ва танлаб олишдан иборат.

Тут ипак қуртининг ёз ва куз мавсумларининг ноқулай шароитларига мослашган ЎЗНИИШ 9 ва АГУ 112, шунингдек ЎЗНИИШ 9 х АГУ 112 ва АГУ 112 х ЎЗНИИШ 9 дурагайлари яратилди, ундан ташқари жинси бўйича нишонланган зотлардан саноат дурагайлари танланди. Такрорий қурт боқишда дурагайлари маҳсулдорлигини ошириш имконини берувчи тут навлари аниқланди.

Такрорий қурт боқиш учун яратилган ва танлаб олинган зот ва дурагайлар давлат синовларидан ўтгандан сўнг Ипак қурти наслчилик станциялари ва ипак қурти уруғчилик заводларида қўпайтирилади. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги ёз ва куз мавсумларида ўтадиган такрорий қурт боқишда олинган қўшимча пилла қиммати билан изоҳланади.

Тарих фанлари

Абдуқайюмов Асрор Райимович: «Суғднинг илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари» **(07.00.01)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12, 244-77-28) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Ж.Эшов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Г.А.Агзамова, Ў.М.Мавлонов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишда Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-маданий ўлкалардан бири Суғднинг миллодий V-VIII асрлар даври ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари тарихий ёзма манбалар, археологик ва нумизматик, шунингдек, этнографик ҳамда геологик тадқиқотлар таҳлили асосида тадқиқ қилинган.

Илк ўрта асрлар даврида Суғдда ҳунармандчилик соҳалари ривожининг омиллари ва савдо-иқтисодий алоқалар тарихи янги методологик асосларда атрофлича таҳлил қилиниб, ҳозирги кунга қадар илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган қўллаб янги маълумотлар илмий муомалага киритилди.

Ҳунармандчилик соҳалари, ҳунармандчилик маҳсулотлари турлари, ички савдо-сотиқдаги пул хўжалиги, савдо-иқтисодий алоқалар жараёнида Суғд ҳудудига олиб келинган, шунингдек, қўшни ўлкаларга чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотлари таснифи, савдо-транзит йўллари ҳамда суғдийларнинг савдо-иқтисодий алоқалардаги иштирокига доир маълумотлар умумлаштирилди. Ҳунармандчилик ва савдо-иқтисодий алоқалар борасида олиб борилган тадқиқотларни қиёсий таҳлил этиш асосида илмий хулосалар берилди.

Қличев Улуғбек Абдумавлонович: «Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши (1991-2006 йй)» **(07.00.01)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12, 244-77-28) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Ҳ.Муртазаева

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Ж.Х.Исмаилова, Ҳ.Ҳамидов

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА Санъатшунослик институти

Ишда илк бор мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши яхлит ҳолатда тадқиқ этилиб, мавзуга тегишли илмий изланишлар ўрганилди, умумлаштирилди, муаллиф томонидан дала тадқиқотларида тўпланган маълумотлар билан тўлдирилди ҳамда илмий хулосалар берилди.

Тадқиқ этилаётган даврда миллий ҳунармандчиликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги тутган ўрни ёритиб берилиб, регион ҳудудларда миллий ҳунармандчиликнинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ва ҳунармандчиликда ишлаб чиқариш муносабатлари, жараёнлари, усуллари, шакл турлари ўрганилди. Шунингдек, тадқиқотда илк бор юзага чиқарган устоз ҳунармандлар номлари янги маълумотлар сифатида Ўзбекистон миллий ҳунармандчилиги тарихига киритилди.

Ишда ҳунармандчилик уюшмалари, анъанавий касаначилик, устоз-шогирд муносабатлари ва анъаналари, шунингдек, миллий ҳунармандчилик соҳаларининг жаҳон маданиятида ўз ўрнига эгаллиги, инсоният маданий тараққиётига қўшган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилган.

Маткаримова Садокат Максудовна: «Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври тарихшунослиги (XIX–XXI аср боши)» (07.00.09) – ЎзР ФА Тарих институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-73) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.А.Абдурахимова

Иш бажарилган ташкилот: Урганч давлат университети

Оппонентлар: Д.Ю.Юсупова, Д.С.Абиджанова

Етакчи ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси “Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази”

Диссертация XIX–XXI аср бошларида Хива хонлиги тарихининг турли масалалари ёритилган илмий тадқиқотлар, рисоалар, илмий мақолалар тўплами, конференция материаллари, қўлёзма асарлар, ўзбек ва рус тилларидаги манбалар, архив ҳужжатлари, илмий-оммабоп нашрлар, даврий матбуот материаллари негизида, янгича ёндашув ва қарашлар асосида ёзилган.

Тадқиқотда Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи ўрганилган маҳаллий ва россиялик тарихчиларнинг асарлари илк бора қиёсий таҳлил этилди. Шунингдек, муаммони ўрганиш борасида совет тарихшунослигидаги талқинлар, уларда амал қилинган асосий назария ва ёндашувлар таҳлил этилиб умумлаштирилди, муаммонинг хорижий тарихшуносликдаги хусусиятли жиҳатлари ёритиб берилди, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар учун асос вазифасини ўтаган янги концепция ва ёндашувлар тадқиқ этилиб, мустахлак, совет ва мустақиллик даври тадқиқотларининг қиёсий таҳлили асосида муайян илмий хулосалар чиқарилди. Ишда муаммони ўрганиш борасида Ўзбекистон тарихчилари қўлга киритган ютуқлар, баъзи тадқиқот ва адабиётларда ўз ўрнига эга бўлган хато талқинлар ва камчиликларнинг мавжудлиги кўрсатилди. Мустақиллик йилларида Хива хонлиги тарихининг кам ўрганилган томонлари аниқланди ва келгуси тадқиқотлар учун асосий йўналишлар белгилаб берилди.

Рахматуллаева Азада Рустамовна: «Ўзбекистонда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихшунослиги (1991-2009)» (07.00.09) – ЎзР ФА Тарих институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-73) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.Б.Бўриев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: Ҳ.Т.Тўраев, Д.С.Абиджанова

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти.

Ишнинг мақсади Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид амалга оширилган илмий тадқиқотларни тарихшунослик доирасида, уларнинг йўналишлари, характери ва моҳиятини таҳлил этиш, уларнинг илмий аҳамиятини кўрсатишдан иборат.

Диссертацияда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотларнинг тарихшунослик нуқтаи назаридан комплекс таҳлили амалга оширилди, уларнинг илмий аҳамияти кўрсатилди, манбашунослар томонидан амалга оширилган Амир Темур даври ёзма манбалари таржималари, уларнинг аҳамиятига янги тарихшунослик нуқтаи назардан баҳо берилди.

Тадқиқотда темуршуносликнинг илмий йўналиш сифатида янги шароитда ривожланаётгани, мавзунинг ҳаққоний ва холис ёритилгани аниқланиб, ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилди, илмий қийматига баҳо берилди; тадқиқотлардаги айрим тарихий кечинмаларни ёритишда камчиликлар, хато талқинлар ҳам борлиги кўрсатилди; Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг кам ўрганилган томонлари кўрсатилди, тавсиялар берилди, келгуси тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилди.

Иқтисод фанлари

Синдаров Шерзод Эгамбердиевич: «Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми» **(08.00.02)** - ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шахрисабз кўч., 5. Тел./факс: 233-14-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: И.С.Тухлиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: М.Махмудов, Д.М.Қурбонова

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш ҳамда бу борада илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- «инновацион жараён» тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти аниқланган;
- инновациялар маҳсулот бозорининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари аниқланган;
- тадбиркорликда инновацион механизмлар тизими ишлаб чиқилган;
- инновацион корхоналарнинг самарали стратегияларини танлаш асосланган;
- инновация самарадорлигини баҳолашнинг усуллари такомиллаштирилган;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари таклиф этилган;
- инновацион жараёнларни молиялаштиришнинг оптимал жиҳатлари аниқланган.

Бобомуродов Хуршид Махмудович: «Ўзбекистонда почта алоқаси хизматлари самарадорлигини ошириш» **(08.00.03)** – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шахрисабз кўч., 5. Тел.: 233-14-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Т.К.Иминов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти

Оппонентлар: М.А.Икрамов, С.У.Нажбитдинов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади: Миллий иқтисодиётни модернизация этиш шароитида Ўзбекистонда почта алоқаси хизматлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- ахборотлашган жамият шаклланаётган шароитда республикада илк бор почта алоқаси хизматлари самарадорлиги масалалари тадқиқ этилган, ҳамда уни ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар келтирилган;
- соҳа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда почта алоқаси хизматлари самарадорлиги кўринишларига илмий таъриф берилган;
- почта алоқаси хизматлари самарадорлигини иқтисодий-ижтимоий баҳолашни услубий ёндашувлари ишлаб чиқилган;
- маркетинг ва инновацион фаолиятни жадаллаштириш бўйича таклифлар асосланган;
- Ўзбекистонда ахборотлаштириш жараёнларида почта соҳасининг тутган ўрни ва аҳамияти соҳани ахборот технологиялари билан таъминланганлиги ҳисобга олган ҳолда аниқланган;
- почта хизматларини замонавий ахборот коммуникация технологияларига асосланган ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Солиев Ибодуллохон Исматуллаевич: «Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнларнинг ривожланиши» **(08.00.03)** – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шахрисабз кўч., 5. Тел./факс: 233-14-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.А.Маҳкамова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти

Оппонентлар: Т.К.Иминов, А.А.Джурабаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнларни янада ривожлантиришга доир илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнлар ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- хорижий мамалакатлар тажрибасини умумлаштириш асосида жаҳонда ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг миллий иқтисодийётлар рақобатбардошлигининг ошишига таъсири аниқланди;
- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари аниқланди, уларга таъсир этувчи омиллар бир тизимга солинди;
- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион ривожланиш инфратузилмасини ривожлантириш ва уни бошқариш механизмларини шакллантириш чоралари таклиф этилди;
- янги ахборот технологияларини тадбиқ этиш бўйича самарали ва мослашувчан шакл сифатида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан таклифлар асосланди;
- миллий иқтисодийётни модернизация қилиш шароитида “Ўзбектелеком” АКнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида истиқболда компанияни инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Якубова Шамшунур Шухратовна: «Пул-кредит сиёсатида қўлланиладиган инструментларни макроиқтисодий моделлаштириш» **(08.00.06)** – Тошкент давлат иқтисодийёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Фуломов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Оппонентлар: Э.Ж.Жабборов, А.А.Набиходжаев

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Ишнинг мақсади: Миллий иқтисодийётнинг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш борасида эконометрик моделларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш асосида пул-кредит сиёсати механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: миллий иқтисодийётда монетар сиёсат инструментларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини акс эттирувчи иқтисодий-математик моделларнинг рекурсив тизими ишлаб чиқилган; монетар сиёсат инструментларининг иқтисодий ўсишга таъсир механизмларини баҳолашнинг назарий-услубий асослари яратилган; қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий заҳиралар нормаси каби монетар сиёсат инструментларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини моделлаштиришнинг эконометрик усуллари таклиф қилинган; таклиф қилинган иқтисодий-математик моделлар рекурсив тизими асосида монетар сиёсат инструментларининг пул массаси ва макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири сон ва сифат жиҳатдан баҳоланган; қайта молиялаштириш ставкасининг турли даражасида ялпи ички маҳсулот ва инфляцияни ўзгариш динамикасининг ўрта муддатдаги прогноз кўрсаткичлари ҳисобланган; монетар сиёсат инструментларини такомиллаштириш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ходиев Саидшароф Махмудович: «Иқтисодийётни либерализациялаш шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш» **(08.00.07)** – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Ҳ.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Қ.Қодиров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Оппонентлар: О.К.Иминов, Б.Б.Бабаев

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Ишнинг мақсади: Иқтисодийётни либерализациялаш шароитида тижорат банкларини депозит сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсияларга эришилган:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида оптимал депозит сиёсатини ташкил этишга қўмаклашувчи шаклланишининг ўзига хос тамойиллари аниқланган;
- банк депозит сиёсатининг миллий иқтисодийтимизда банкларнинг ошиб бораётган аҳамиятини асослашга ёрдам берувчи умумий (рағбатлантириши, назорат, тижорат) ва хусусий (депозит операцияларини бошқариш, операциялар чиқимларни камайтириш, жараёнларни мукамаллаштириш ва ривожлантириш) вазибалари ўрганилган;
- самарали кредит фаолиятини юритиш учун тижорат банклари барқарор депозит базасини ташкил этиш бўйича тавсияларнинг комплекс дастури ишлаб чиқилган (ноанъанавий депозит воситаларини чиқариш, мақсадли депозит хизматларини ривожлантириш);
- банк депозит сиёсатини самарали ташкил этиш бўйича депозит маҳсулотлари нархли ва нархга алоқаси бўлмаган хусусиятлари комплекс ҳисобланган ҳолда тайинланган фоиз ставкаларини ўзида акс эттирган маркетинг ёндашуви асосидаги чоралар тақлиф этилган;
- хусусий шахсларга янги депозит маҳсулоти, банк омонатлари суғурталаш тизими томонидан ишлаб чиқилган тўлиқ суғуртавий қоплаш имкониятлари билан таъминланган банк омонатларини тақдим этиш зарурияти асослаб берилган.

Дусчанов Равшанбек Бахтиярович: «Глобал иқтисодийда Европа интеграциясининг замонавий тенденциялари ва ривожланиш истиқболлари» **(08.00.09)** - Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик кўч., 54. Тел.: 267-07-07, факс.: 267-09-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Л.М.Тошпулатова

Иш бажарилган ташкилот: Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети

Оппонентлар: Н.Х.Жумаев, Г.К.Султонова

Етакчи ташкилот: Россия иқтисодий академияси Тошкент филиали

Ишнинг мақсади: эволюциясига жаҳон иқтисодий глобаллашуви бевосита таъсир кўрсатувчи иқтисодий ва институциявий жиҳатларни комплекс ўрганиш асосида Европа интеграцияси ривожланишининг тенденцияларини таҳлил қилиш, шунингдек, устувор йўналишларини белгилаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Иш натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- жаҳон иқтисодий глобаллашуви билан ўзаро алоқадаги Европа интеграцияси жараёни тизимли назарий-методологик ёндашув мавқеидан тадқиқ қилинмоқда;
- кўриб чиқилаётган даврдаги ЕИ институциявий тузилмаси трансформациясининг комплекс тадқиқи, жумладан ЕИнинг иқтисодий ва молиявий интеграцияси хусусиятларини белгилаб берган босқичларининг таҳлили амалга оширилди;
- оптимал валюта ҳудуди концепциясининг нафақат эндоген, балки экзоген хусусиятлари ҳам аниқланди, бу ҳол ушбу назариянинг замонавий интеграция жараёнларини таҳлил қилишдаги амалий аҳамиятини оширади;
- глобаллашувнинг минтақавий интеграция жараёнларининг иқтисодий ва институциявий омилларига таъсири ўрганилди, жумладан, ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларининг ЕИ мамлакатлари иқтисодийтага таъсирини баҳолаш амалга оширилди;
- Ўзбекистон ва ЕИ ташқи иқтисодий ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ифодалаб берилди.

Васильева Марина Вячеславовна: «Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнат салоҳиятининг ривожланиши» **(08.00.10)** - ЎзР ФА Иқтисодий институт (100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўч., 5.) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Р.А.Убайдуллаева

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иқтисодий институт

Оппонентлар: Ш.Н.Зайнутдинов, А.М.Григорьева

Етакчи ташкилот: Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнат салоҳиятини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсияларни асослаб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- кичик ва хусусий тадбиркорлик меҳнат салоҳияти тушунчаси аниқлаштирилди, шунингдек, унинг сифат ва миқдор хусусиятларига таъсир қилувчи омиллар тартиблаштирилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши жараёнини чуқур тадқиқ этиш имконини

берувчи меҳнат салоҳиятининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини баҳолашга услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

- республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнат салоҳиятининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар тизимлаштирилди;

- хорижий тажриба ва амалдаги воситаларни ҳисобга олиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодий рағбатлантиришнинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишга ёрдам берувчи механизми ишлаб чиқилди ва асослаб берилди.

Тўрабаева Нортожит Мирабдуллаевна: «Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Наманган вилояти мисолида)» **(08.00.12)** – Тошкент молия институти (100000, Тошкент, А.Темур кўч., 60-А. Тел.: 234-53-34, 234-32-04. Факс.: 234-67-71) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Маматов

Иш бажарилган ташкилот: Наманган давлат университети

Оппонентлар: А.А.Қаюмов, А.Б.Низамов

Етакчи ташкилот: ЎЗР ФА Иқтисодиёт институти

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий ва амалий натижаларга эришилди:

- минтақа иқтисодиётини таркибий тузилмасини такомиллаш-тиришда хусусий тадбиркорликнинг ўрни аниқланди;

- Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида хусусий тадбиркорликни қасаначилик, лизинг асосида ривожлантиришнинг илмий асослари ва минтақавий хусусиятлари очиқ берилди;

- минтақада хусусий тадбиркорликнинг асосий шакллари бўлган фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими тақлиф қилинди;

- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақада хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва стратегиясини аниқлашга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдурахманова Матлуба Махамдаминовна: «Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш» **(08.00.13)** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.Ш.Бекмуродов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: М.А.Насритдинова, З.Б.Мустафаев

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Ишнинг мақсади: мамлакатимиз банк хизматлари бозорида фаолият юритаётган тижорат банкларининг маркетинг фаолиятини тадқиқ этиш ва уни янада ривожлантириш истиқболларига оид илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- тижорат банклари маркетинг фаолияти тушунчасига муаллифлик илмий таърифи берилган;

- банк хизматлари бозори ва унинг таркибий тузилмаларини фаолият кўрсатиш механизми ва унга таъсир этувчи омиллар аниқлаб берилган;

- тижорат банклари фаолиятида банк маркетинги ва унинг таркибий қисмларини самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар тизимининг асосий элементларини бошқариш йўллари асослаб берилган;

- банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини самарадорлигини оширишга йўналтирилган стратегия ишлаб чиқилган;

- тижорат банкларининг актив-пассив операцияларини олиб боришда маркетинг тизимидан фойдаланиш йўллари асослаб берилган;

- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини олиб боришда маркетинг воситалари ва услубларини комплекс қўлланилиши бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банклари активлари ҳажмини

ошириш, ликвидлигини таъминлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Каримов Жамшид Фатхуллаевич: «Компаниялар ва уларнинг акциялари бозор қийматини бошқариш масалалари» (08.00.13) – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.Ф.Ғозибеков

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: М.А.Иқромов, А.Ф.Хакимов

Етакчи ташкилот: ЎЗР Давлат Мулки қўмитаси қошидаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув ва қиммат баҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар маркази

Ишнинг мақсади: Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида компания бизнеси ва уларнинг акциялари бозор баҳоларини таҳлил қилиш ва самарали бошқариш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- компаниялар ва улар акциялари бозор баҳосини аниқлаш ва бошқариш концепциялари илмий жиҳатдан комплекс таҳлил қилинди;
- активлар қийматини баҳолаш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- компаниялар бизнеси ва акциялари қийматини баҳолаш ҳамда уларни бошқаришнинг асосий қоидалари тизими ишлаб чиқилди;
- Ўзбекистон корхоналари акцияларининг бозор қиймати (баҳоси) ва нарҳининг ўзаро эквивалентлилик даражасининг пастлиги илмий асосланди;
- мамлакатимиздаги компаниялар ва уларнинг ликвидсиз ҳамда паст ликвидли акцияларининг бозор баҳоси ва нарҳини шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар аниқланди;
- Ўзбекистон корхоналари акцияларининг бозор баҳоси, даромадлигини ошириш ва ликвидлигини таъминлашга асосланган капиталлашувни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- мамлакатимиз компаниялари акцияларининг жалбдорлигини баҳолашнинг услубий қоидалари ишлаб чиқилди;
- компаниялар ва уларнинг акциялари бозор баҳосини бошқариш самарадорлигини аниқлашнинг асосий мезонлари ва уларнинг чегаравий қийматлари тизимлаштирилди;
- қимматли қоғозлар ва уларнинг бизнес-базислари сифатини эквивалентлилик тамойили асосида бошқаришнинг комплекс тизимларини ташкил қилиш тамойиллари ва модели ишлаб чиқилди.

Юлдашева Мухтасар Мансуржановна: «Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив тузилмаларда персонални бошқаришни такомиллаштириш (“Ўзбекистон темир йўллари” ДАК мисолида)» (08.00.13) – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.Н.Раҳимова

Иш бажарилган ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси

Оппонентлар: Қ.Х.Абдурахмонов, Д.Суюнов

Етакчи ташкилот: Тошкент темир йўл мухандислари институти

Ишнинг мақсади: миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида темир йўл тармоғи тизимида корпоратив тузилмаларда персонални бошқаришни такомиллаштириш, ташкилий-иқтисодий механизмини самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитида бошқарувнинг назарий, услубий жиҳатлари асослаб берилган;
- корпоратив тузилмаларда ходимлардан фойдаланиш самарадорлигини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар таклиф этилган;
- темир йўл тармоғини ўзига хос хусусиятлари, бошқарув жараёнлари илмий асосланган;
- Ўзбекистон темир йўл компаниясининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ва

ўзига хос хусусиятлари ёритилган;

- корпоратив тузилмаларда персонални бошқариш стратегиясини шакллантиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари асослаб берилган;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида темир йўл тармоғида ишлаб чиқаришни корпоратив ташкил қилишнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиб, персонални бошқаришни асосий йўналишлари белгиланган.

Фалсафа фанлари

Худайберганов Равшонбек Худайберган ўғли: «Ўлим ва барҳаётлик тўғрисида илмий ва диний ғояларнинг фалсафий таҳлили» **(09.00.11)** - Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 227-12-24; факс: 246-53-21) ва ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-87, факс: 262-38-87) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.А.Шермухамедова

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Х.О.Шайхова, И.Каримов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишнинг мақсади ўлим ва барҳаётликнинг моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисидаги илмий ва диний ғояларни фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилишдан иборат.

Диссертацияда “танатология”, “ўлим” ва “барҳаётлик” тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари таҳлил этилган. Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашлар эволюцияси таснифланди. Ўлим ва барҳаётликнинг диний таълимотлардаги инъикоси тадқиқ этилди. Инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабатлар тадқиқ этилди. Клиник ва биологик ўлимнинг ижтимоий-ахлоқий ҳамда инсонпарварлик жиҳатлари асосланди. Ўзбекистонда ўлим ва барҳаётликнинг шахс маънавий-ахлоқий камолотидаги аҳамияти юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Суд-тиббий экспертиза бош бюроси, Республика патологик анатомия маркази, Тошкент Тиббиёт Академияси, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда бошқа фан ва таълим, маънавият-маърифат тизимидаги субъектлар фойдаланиши мумкин.

Филология фанлари

Исматов Сарвар Сайдуллаевич: «Француз халқ эпослари матнининг лингвопоэтик тадқиқи (“Роланд ҳақида кўшиқ” достони мисолида)» **(10.01.05)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 214-52-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Н.Холбеков

Иш бажарилган ташкилот: Навоий давлат педагогика институти

Оппонентлар: А.Қосимов, М.Жўраев

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертацияда ўрта аср француз халқ эпоси матнларини ўрганишнинг илмий методлари тасниф қилинади, эпик матнларни таҳлил қилишга хизмат қилувчи қиёсий-тарихий методнинг умумфилологик метод сифатидаги афзалликлари очиб берилади, француз қаҳрамонлик эпоси “Роланд ҳақида кўшиқ”нинг сюжети, композицияси ва образлар тизими тадқиқ этилади, бадиий тил хусусиятлари ўрганилади, эпик кўшиқлар матнларининг услуби ва уларнинг ўрта аср эски француз ва латин адабиётидаги бошқа жанрлар билан муносабати очиб берилади. Бундай эпик асарларнинг парчалари/эпизодлари, воқеалар тасвири қисми ўрганилиб, уларнинг матндан ташқари ҳолатдаги ва бошқа матнлар билан муносабатдаги хусусиятлари, жумладан француз халқ эпик матнлари парчаларининг эски латин йилномалари матнлари билан умумий яқинлик ва ўзига хослик белгилари ёритилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги француз халқ эпоси матнларининг келиб чиқишига оид моногенез ва полигенезга асосланган хилма-хил фаразлар қиёсланиб, муайян эпик ёдгорлик тили поэтикасига доир индивидуал хусусиятлар аниқланганлиги, француз халқ эпик матнларининг шаклланиши,

уларда солномалар, хроникалар ва бошқа тарихий асарларнинг инъикоси масаласини ўрганишга доир фольклоршунослик ва қиёсий адабиётшуносликда кенг тарқалган умумфилологик, лингвистик ва қўшимча методларнинг умумий ҳамда фарқли жиҳатлари кўрсатилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг назарий хулосалари ўрта аср француз халқ эпик матнларининг шаклланиши, уларнинг сюжет ва композицияси, образлар тизими ва бадиий тил хусусиятларини янада кенгрок тадқиқ этиш учун йўл очади. Ишда тўпланган фактик материаллар келгусида “Роланд ҳақида қўшиқ” сингари француз халқ эпик матнларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида таржимонлар, тадқиқотчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Аҳмедова Шахло Иргашбаевна: «Замонавий Кувайт ҳикоянавислиги тараққиётида адибалар Лайло ал-Усмон ва Сурайё ал-Бақсамий ижодининг ўрни» (10.01.06) – Тошкент давлат шарқшунослик институти (100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўч., 25. Тел.: 233-34-24, факс: 120-65-65) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.У.Ходжаева

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти

Оппонентлар: С.Ҳасанов, А.Абдуллаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади: араб насрининг салмоқли қисмини ташкил этган Кувайт ҳикоянавислиги тараққиётига ҳисса қўшган адибалар Лайло ал-Усмон ва Сурайё ал-Бақсамий ижодини тадқиқ этишдан иборат.

Илмий янгилиги:

- диссертацияда илк бор Кувайт ҳикоянавислигининг шаклланиш омиллари, тараққиёт босқичларининг вужудга келиши, ҳар бир босқичда давр руҳини ўзида акс эттирувчи ёзувчиларнинг бадиий тафаккури ва услубларининг ўзгариши масаласи ўрганилди;

- мазкур тадқиқотда кувайтлик адибалар ижодига махсус эътибор қаратилиб, Лайло ал-Усмон ва Сурайё ал-Бақсамий ҳикояларининг ўзига хослиги, образлар тизими, сюжет ва композицион жиҳатлари таҳлилга тортилди;

- адибалар асарларидаги образларнинг ғоявий-эстетик таъсирчанлиги, анъанавийлик ва новаторлик, қаҳрамон шахсиятининг шаклланиши, аёл образининг тадрижий ривожига каби бадиият масалалари ўрганилди;

- адибалар ҳикоялари таҳлили асосида Кувайт миллий ҳикоянавислигининг замонавий шарқ адабиётидаги ўрни кўрсатилди ва унинг ҳозирги замондаги ривожланиш хусусиятлари тадқиқ этилди.

Иброҳимова Шаҳина Бобохоновна: «Одил Ёқубов романларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши» (10.01.07) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 114-52-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.К.Алимбеков

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти

Оппонентлар: Ҳ.Болтабоев, Т.Қаҳҳоров

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Ишнинг мақсади: Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва “Кўҳна дунё” романларида акс этган миллийликнинг туркча таржималарда берилиш усуллари ва характер яратишнинг бадиий воситаларини аниқлаш, миллийликни туркча таржимада ифодалаш баробарида таржимон маҳорати масалаларини ўрганишдан иборат.

Илмий янгилиги:

- диссертацияда илк бор Одил Ёқубов романлари турк тилидаги таржималари билан қиёсий солиштирилиб, улар ўртасидаги адекватлик ва фарқлар, аслиятда акс этган миллийлик, таржима жараёнида ижодкор қўллаган бадиий усул ва воситалар, туркча таржималарда йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари аниқ мисоллар асосида аниқланган;

- таржимада миллийликни акс эттиришда муҳим ҳисобланган поэтик унсурларнинг (портрет, пейзаж, интерьер, қаҳрамон нутқи ва б.) берилиши масалалари тадқиқ этилиб, зарур назарий ва амалий тақлифлар берилган.

- таржиманинг аслиятга ғоявий-бадиий услубий ҳамоҳанглиги масаласини ўрганиш муҳимлиги, муаллиф ва таржимоннинг руҳан ва услубан яқинлигининг таржимада ҳал қилувчи омил эканлиги таъкидланган.

Маматкасимова Василя Акрамджановна: «20-30-йиллар ўзбек маърифатпарварлик адабиётида бадиий таржиманинг ўрни (француз адабиётидан

қилинган таржималар мисолида)» **(10.01.07)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ.) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.С.Эрматов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.Қосимов, О.Рустамов

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертацияда XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек маърифатпараварлик адабиётида бадиий таржиманинг тутган ўрни илк бор махсус тадқиқ қилинади, француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган асарларнинг маънавий-маърифий хусусиятлари ўрганилади. 20-йилларда бадиий таржима соҳасида илк тажрибалар амалга оширилган бўлса, 30-йилларда янги ўзбек таржимачилигининг таъмал тошлари қўйилди, таржимашуносликка асос солинди. Золя, Мопассан ва А.Доденинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари таржимонларда нафақат ҳикоя, новелла, унинг сюжети ва композицияси жиҳатидан қизиқиш уйғотган, балки уларда кўтарилган маънавий-маърифий масалалар ўша даврда шаклланаётган ўзбек адабиёти марказида турган мавзуларга ҳамоҳанг бўлган. Француз адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржимаси ўша давр ўзбек халқи маънавий-маърифий ҳаёти учун ҳам, ўзбек адабий ҳаёти учун ҳам муҳим ҳодисалардан бири бўлганлиги, 20-йилларнинг иккинчи ярми-30-йилларда амалга оширилган бу таржималар мамлакатимизда бадиий таржиманинг кейинги ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатганлиги ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ишда XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек маърифатпараварлик адабиётида бадиий таржиманинг тутган ўрни илк бор махсус тадқиқ қилиниши, француз адабиётидан ўзбек тилига (рус тили орқали) ўгирилган асарларнинг маънавий-маърифий хусусиятлари, бу таржималарнинг ўша давр ўзбек адиблари ижодига кўрсатган таъсирига илк бор эътибор қаратилиши кабиларда намоён бўлади.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти 20-30-йиллар ўзбек маърифатпарвар адабиётида француз адабиётидан қилинган таржималар тутган ўрнини аниқлаш, бу таржималарнинг маънавий-маърифий хусусиятларини аниқ далиллар асосида ёритиб беришдан иборатдир.

Холмирзаев Бахтиёр Мирзамахмудович: «Мустақиллик даври ижтимоий-сиёсий асарлари таржимаси хусусиятлари» **(10.01.07)** – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ. Тел.: 114-52-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.Отажонов

Иш бажарилган ташкилот: Наманган давлат университети

Оппонентлар: М.С.Имомназаров, Н.Қамбаров

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертацияда Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарининг икки инглизча таржималари ҳамда русча нашри ўзбекча аслияти билан қиёсий-типологик таҳлил қилинди. Тадқиқотда ижтимоий-сиёсий асарларни ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилишнинг назарий асосларини яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий асарлардаги сиёсатшуносликка оид атамаларни, қисқартмаларни таржима қилиш қоидаларини илмий асослаш масалалари ўрганилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ислом Каримовнинг мазкур асарида мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш ғоясини жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилишида таржиманинг муҳим омил эканлиги кўрсатилганлиги, Ўзбекистонда яратилган ижтимоий-сиёсий таржималар тарихи ҳақида атрофлича маълумотлар берилганлиги, сиёсий соҳада яратилган луғатларга муносабат билдирилиб, янги ижтимоий-сиёсий соҳага оид таржима луғатлари яратиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланлиги ҳамда ижтимоий-сиёсий асарлар таржималарида муаллиф услубини сақлашнинг муҳимлиги кўрсатиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг натижаларидан ижтимоий-сиёсий асарларни хорижий тилларга, жумладан, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишга оид дарслик ва қўлланмалар яратишда, бакалавр ҳамда магистрлар учун махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, амалий машғулотларни олиб боришда, Битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари ёзишда, шунингдек, олий ўқув юртларида таржима назариясига оид фанлар бўйича дарс машғулотлари олиб боришда ҳамда маъруза матнлари тайёрлашда, шу соҳага оид илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлигидан иборатдир.

Салиева Заррина Илхомовна: «Инглиз ва ўзбек тилларида сентенциянинг концептуал аҳамияти ва миллий-маданий хусусияти» (10.02.20) – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (100138, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўч., мавзе: Г- 9а, 21-а. Тел.: 275-77-08. Факс: 277-77-08) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.У.Ашурова

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Оппонентлар: А.А.Абдуазизов, Т.Т.Икрамов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади – инглиз ва ўзбек тилларидаги сентенцияларни семантик-стилистик, когнитив, лингвомаданий ва қиёсий-типологик йўллар билан комплекс таҳлил этишдир.

Диссертация сентенцияларни тилшуносликнинг янги антропоцентрик йўналишлари – когнитив лингвистика, лингвокультурология ва лингвоконцептология нуқтаи назаридан комплекс таҳлил қилишга бағишланган. Когнитив ва лингвомаданий ёндашувлар сентенцияни инсоннинг билим орттиришдаги тажрибаларини, дунё ҳақидаги билим ва қарашлари системасини акс эттирувчи когнитив-концептуал структура хусусияти билан ажралиб турувчи стилистик усул сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Шу жиҳатдан олиб қаралганда сентенция дунёнинг индивидуал-муаллифлик ва миллий тасвири компоненти сифатида ҳамда ҳар бир лингвомаданият учун жуда катта маънавий қиммат берувчи маданий модель сифатида кўриб чиқилади.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: сентенция тилшуносликнинг янги йўналишлари ракурсида ўрганилган; инглиз ва ўзбек тилларидаги сентенцияларни категориялаш ва концептуаллаштириш амалга оширилган; қиёсий-типологик таҳлил асосида сентенциянинг кўриб чиқилаётган тиллардаги миллий-маданий хусусиятларни аниқлашга имкон берадиган фанлараро ва тиллараро комплекс таҳлил амалга оширилган.

Адиханов Динмухаммед Саматович: «Ҳозирги замон араб адабий тилида иқтисодий атамаларнинг шаклланиши» (10.02.22) – Тошкент давлат шарқшунослик институти (100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўч., 25. Тел.: 233-34-24, факс: 120-65-65) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Т.Ш.Қодиров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти

Оппонентлар: Т.Мухтаров, С.Рустамий

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади: Араб адабий тилида иқтисодий атамаларининг асосий тузилма ва лексик-семантик тавсифлари таҳлили, шунингдек уларни шакллантиришнинг икки давр (биринчи давр: XX асрнинг 50-70-йиллари, иккинчи давр: XX асрнинг 80-йиллари – ҳозирга қадар) нуқтаи назаридан олинган энг сермахсул усуллари аниқлашдан иборат.

Диссертациянинг илмий янгилиги шундаки, ишда бой фактик материални жалб этиш асосида илк маротаба араб адабий тилининг иқтисодий атамалари, унинг XX асрда мустақил атамалар тизими сифатида юзага келишидан бошлаб, тадқиқ этилган. Илк бор иқтисодий атамалар ривожининг умумий жараёнлари аниқланган, энг махсулдорларига асосланиб атама ҳосил қилиш усуллари ўрганилган. Биринчи маротаба кўмакчи сўзлар (юкламалар) ёрдамида олинадиган кўп компонентли конструкциялар ҳосил бўлишининг тузилмали модели, шунингдек феъл типидagi атама – сўз бирикмалари аниқланган ва тадқиқ этилган. Ишнинг ўзига хос хусусияти диахроник ёндашув бўлиб, унда икки даврни табақалаштирилиб, қиёсий ўрганиш кўзда тутилади (биринчи давр: XX асрнинг 50-70-йиллари, иккинчи давр: XX асрнинг 80-йиллари – ҳозирга қадар).

География фанлари

Мавлонов Аҳмаджон Муҳамадович: «Чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш муаммолари (Бухоро вилояти мисолида)» (11.00.02) – Гидрометеорология ИТИ (100052, Тошкент, К.Махсумов кўч., 72. Тел.: 233-43-49. Факс: 233-11-50) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.С.Солиев

Иш бажарилган ташкилот: Бухоро давлат университети

Оппонентлар: О.Б.Ата-Мирзаев, И.А.Ҳасанов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш муаммоларини Бухоро вилояти мисолида аниқлаш ва уларнинг ечимига оид илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертацияда ишлаб чиқариш тармоқларини ҳудудий ташкил этиш ва шаҳарлар ривожланишига минтақа “чўллик” хусусиятларининг таъсири аниқланган, табиий географик омилларнинг шаҳарлар ривожланишига таъсири кўриб чиқилган, шаҳар жойлар ва уларнинг тизимлари таҳлил қилинган. “Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили” Давлат дастури асосида Бухоро вилояти янги шаҳарчалар ва қишлоқ туманларининг ривожланиши ўрганилган, минтақанинг инвестиция муҳити ва инфратузилма тизими таҳлил қилинган, вилоят шаҳарларининг демографик ва геоэкологик вазияти ўрганилган, уларнинг келажакда ривожланиш муаммолари ва йўналишлари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Ишнинг илмий янгилиги, энг аввало, чўл шароитида ва бозор муносабатларига ўтиш даврида шаҳарларнинг вужудга келиш ва ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этишда ўз аксини топади.

Тадқиқот натижаларидан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ҳакимов Қўчқор Маҳкамович: «Жой номларининг шаклланишида минтақанинг иқтисодий-ижтимоий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида)» (11.00.02) – Гидрометеорология ИТИ (100052, Тошкент, Қ.Махсумов кўч., 72. Тел.: 233-43-49. Факс: 233-11-50) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.Қораев

Иш бажарилган ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Оппонентлар: Ю.Аҳмадалиев, П.Ғуломов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Диссертацияда Жиззах вилояти мисолида жой номларининг шаклланишида минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий географик хусусиятлари ўрганилган, унда: топонимиканинг иқтисодий ва ижтимоий географик жиҳатлари; аҳоли пунктларининг номланиш қонуниятлари; минтақа аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби ва уларнинг топонимик жиҳатдан ўрганилиши; вилоят топонимиясининг классификацияси; вилоят ойконимларининг лингвогеографик таҳлили; минтақа жой номларида географик терминларнинг ўрни; аҳоли пунктлари номларида этнонимларнинг акс этиши; минтақа жой номлари ва уларни тартибга солиш муаммолари ҳамда вилоятда янги барпо этилаётган аҳоли пунктларни номлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларидан аҳоли пунктларини номлашда, янги жой номлари яратишда ҳамда топонимларни миллий стандартлаштириш ва транскрипциялашда фойдаланиш мумкин.

Юридик фанлар

Абдукадыров Дониёр Хусанович: «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббуси» (12.00.01) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Э.Ҳ.Халилов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: И.А.Хамедов, Л.Ф.Исхакова

Етакчи ташкилот: Республика юристлар малакасини ошириш маркази

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятида қонунчилик ташаббусининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий қонуниятларини тадқиқ этишдан; суд ҳокимияти қонунчилик ташаббуси институтини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва норматив-ҳуқуқий тақлифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ишнинг илмий янгилиги суд ҳокимияти қонунчилик ташаббусининг ҳуқуқ институти, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, субъектив ҳуқуқ ва қонунчилик жараёнининг босқичи (бўғини) сифатида комплекс-монографик жиҳатдан биринчи мартаба тадқиқ этилганлиги билан белгиланади. Диссертацияда суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббусини рўёбга чиқариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг ҳуқуқий асослари, мақоми ва фаолияти қиёсий таҳлил этилган. Шу асосда суд ҳокимияти қонунчилик ташаббусини ҳуқуқий тартибга солишнинг хос жиҳатлари аниқланган ва қонунчилик ҳамда суд амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар берилган. Суд ҳокимияти қонунчилик

ташаббусини рўёбга чиқаришнинг қай даражада мақсадга мувофиқлиги илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклифлар ва умумлаштирилган хулосалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг суд ҳокимияти қонунчилик ташаббусини рўёбга чиқаришдаги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Худойбердиев Ахрор Қосималиевич: «Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни ифодалашнинг назарий муаммолари» **(12.00.01)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Х.Т.Адилкариев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР Ички ишлар вазирлиги Академияси

Оппонентлар: Х.Б.Бобоев, Ж.М.Абдуллаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг асосий мақсади қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикридан самарали фойдаланиш, уни қонун мазмунида ифодалаш механизмини комплекс тадқиқ этиш, ушбу механизмни такомиллаштиришга оид илмий-назарий, илмий-методик ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни ифодалаш билан боғлиқ илмий асосланган норматив-ҳуқуқий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни ифодалашнинг назарий муаммоларини таҳлил қилишга бағишланган илк яхлит монографик тадқиқот эканлигида намоён бўлади. Унда давлат мустақиллигига эришилганидан сўнг жамоатчилик фикрининг қонун ижодкорлиги фаолиятида қай даражада намоён бўлиши, қонунларнинг мазмунида ифода этилиши илмий жиҳатдан атрофлича ўрганиб чиқилган. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, ишда баён этилган хулоса ва таклифлардан қонун ижодкорлиги жараёнида, келгусида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни башорат қилиш учун жамоатчилик фикрига таянишда, ислохотлар самарасини ошириш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига мурожаат этишда, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида олинган хулосалар давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ фанлари ҳамда парламент ҳуқуқи ўқув курсларининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Қонун ижодкорлиги ва бу жараёнда ижтимоий фикрни ифодалаш билан боғлиқ масалалар юзасидан берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришда хизмат қилиб, келгусида бу борада фундаментал илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади.

Урозбаев Сардорбек Одилбекович: «Олий Мажлис Сенати қўмита ва комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари» **(12.00.02)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.Қ.Ахмедов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: С.М.Одилходжаева, О.Р.Қараходжаева

Етакчи ташкилот: Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти

Иш Олий Мажлис Сенатининг қўмита ва комиссияларини шакллантириш, қўмита ва комиссияларнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби, қўмита ва комиссиялар фаолиятининг йўналишларига, шунингдек қўмита ва комиссияларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид муаммоларни ўрганишга бағишланган.

Ишнинг мақсади Олий Мажлис Сенати қўмита ва комиссиялари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, қўмиталар ва комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишда Олий Мажлис Сенати қўмита ва комиссияларининг юридик табиати, уларнинг ҳуқуқий мақоми, Олий Мажлис Сенатининг қонунчилик ва парламент назорати борасидаги ваколатларининг

амалга оширилишида мазкур тузилмаларнинг иштироки, шунингдек Олий Мажлис Сенати қўмита ва комиссиялари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита ва комиссиялари ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг ўзаро муносабатларига оид назарий-ҳуқуқий ва амалий масалалар илк маротаба ўрганилган. Олий Мажлис Сенати қўмита ва комиссиялари фаолиятини такомиллаштиришга доир назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Низаматдинов Кайрат Кеунимжаевич: «Радиотелефон алоқаси хизматини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари» (12.00.03) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: И.Б.Зокиров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Ф.Ю.Шодмонов, Н.С.Нарматов

Етакчи ташкилот: Наманган давлат университети

Ишнинг мақсади радиотелефон алоқаси хизматини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини тадқиқ этиш, илмий-назарий жиҳатдан асослаш, радиотелефон алоқаси хизмати кўрсатиш муносабатларини шартнома воситасида тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, радиотелефон алоқаси хизматини соҳа қонунчилиги нормалари ва тегишли шартнома воситасида ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари илк маротаба тадқиқ этилган. Диссертацияда радиотелефон алоқаси хизмати, радиотелефон алоқаси хизмати кўрсатиш шартномаси тушунчалари, мазкур хизмат кўрсатиш муносабатларини соҳага оид қонун ҳужжатлари ва шартнома воситасида ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Бу миллий доктрина ва амалиёт учун соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги янги изланиш бўлиб ҳисобланади.

Радиотелефон алоқаси хизматини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Алоқа тўғрисида”ги қонуни, “Мобиль алоқа хизматини кўрсатиш қоидалари”га тегишли тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослаб берилди.

Хаттабов Неъматжон Кушабаевич: «Нотариал фаолият шакллари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши» (12.00.03) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Ж.Рўзиёев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: И.И.Насриёев, Ж.И.Юлдашев

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ишнинг асосий мақсади - моддий ҳуқуқий жиҳатдан нотариал фаолиятнинг илмий таърифини ишлаб чиқиш, нотариал фаолиятнинг бошқа ҳуқуқий фаолият турларидан, хусусан судлов фаолиятдан фарқли жиҳатларини илмий асослаш, нотариал фаолиятнинг аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш, шунингдек нотариал фаолиятнинг халқаро хусусий ҳуқуқий жиҳатларини қиёсий ўрганиш ҳамда ушбу тартибга солишга қаратилган амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Иш Ўзбекистон Республикасида илк маротаба монографик тарзда нотариал фаолият ва унинг шакллариининг ҳуқуқий категория сифатидаги илмий-назарий таҳлилига бағишланган. Диссертацияда нотариал фаолиятнинг илмий таърифи келтирилиб, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шахс манфаатларини нотариал фаолият орқали ҳимоя қилишнинг бошқа ҳимоя шаклларида фарқли жиҳатлари, шунингдек мамлакатимизда нотариат соҳасини тубдан такомиллаштиришнинг долзарб масалалари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижасида олинган хулосалар ва тавсияларга таяниб, нотариал фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини таъминлаш, шунингдек нотариусларнинг малакасини оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Диссертацияда шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳамда “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф ва тавсиялар берилган. Илмий изланишнинг натижалари, хулосаларидан нотариал фаолият ва суд амалиётида фойдаланиш мумкин.

Бабаназаров Қалбай Рустамович: «Табиат объектлари ва инсон саломатлигини радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш» **(12.00.06)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Б.Усмонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Й.О.Жўраев, Ш.О.Бобоқулов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади табиат объектлари ва инсон саломатлигини радиация таъсиридан ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммоларини комплекс ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг юридик таҳлили, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш бўйича назарий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, амалдаги қонунчиликни баҳолаш ҳамда ушбу соҳадаги фаолиятнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги шу билан изоҳланадики, ушбу тадқиқотда табиат объектлари ва инсон саломатлигини радиация таъсиридан муҳофаза қилишнинг замонавий муаммолари комплекс тарзда таҳлил этилган, шунингдек, радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Табиат объектлари ва инсон саломатлигини радиация таъсиридан муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий ва амалий масалаларини таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги тегишли қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурияти асослаб берилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унинг хулоса ва таклифларидан кейинчалик табиат объектлари ва инсон саломатлигини радиация таъсиридан муҳофаза қилишни такомиллаштиришда ва илмий изланишларни давом эттиришда фойдаланилиши, тегишли давлат ҳокимият органларининг қонунчилик фаолиятида, радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида эътиборга олиниши мумкин.

Махмадаминов Музаффар Жабборович: «Ер ипотекасини ҳуқуқий тартибга солиш» **(12.00.06)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Б.Усмонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Й.О.Жўраев, Н.Б.Шоимов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади ер ипотекасининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш, ер ипотекаси шакллари таҳлил этиш, ушбу шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонунларни таҳлил этиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, ер ипотекаси шартномасини ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳимоя қилиш муаммоларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: илмий асарларни ўрганиш, ҳаракатдаги қонунчиликни таҳлил этиш асосида илк марта ер ипотекасининг ҳуқуқий муаммолари тадқиқ этилди. Тадқиқот натижасида ер ипотекасининг тушунчасига таъриф берилган, унинг юридик табиати, ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган ҳамда ер ипотекаси таснифи берилган. Ер ипотекаси объектлари ва субъектлари, ер ипотекаси шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалқаро тажриба ва ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш, ер қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда улар назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ер ипотекасини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва “Ипотека тўғрисида”ги қонунларига тегишли тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий аҳамияти ер ипотекасининг тушунчаси ва юридик табиатини очиқ беришда, ер ҳуқуқи фанини илмий назарий жиҳатдан бойитишда, шунингдек, тадқиқотнинг назарий хулосаларига таянган ҳолда келгусида янги илмий тадқиқотлар олиб беришда фойдаланади.

Хайдаров Шерзод Аброрович: «Озон қатлами сақланиши ҳуқуқий муаммолари» **(12.00.06)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.К.Скрипников

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Й.О.Жураев, Н.Р.Маллаев

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ишнинг мақсади - Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигида озон қатламини сақланишини ҳуқуқий таъминлаш бўйича назарий қоидалар ва амалий тавсияларни концептуал режа асосида ишлаб чиқиш. Тадқиқотнинг якуни «Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни бўйича таклифларни тақдим этишдир.

Ишнинг илмий янгилиги шу билан изоҳланадики, ушбу тадқиқотда озон қатлами сақланишининг ҳозирги муаммолари, унинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқий механизмидаги роли бўйича комплекс концептуал таҳлил ўтказилган, шунингдек озон қатламини сақланиши бўйича қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ифодаланган. Ишда озон қатлами сақланиши ҳуқуқий жиҳатлари муаммолари (асосан Ўзбекистон Республикаси мисолларида) биринчи марта назарий-амалий тадқиқ қилинган.

Шунингдек, озон қатлами сақланиши тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган. Озон қатламини муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий ва амалий масалалари таҳлил қилиниб Ўзбекистон Республикасининг амалдаги тегишли қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурияти асослаб берилган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, ишда ифодаланган таклиф ва тавсиялар озон қатламини сақлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қонун ижодкорлигида, табиатни муҳофаза қилиш, давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳуқуқ қўллаш амалиётида фойдаланилиши мумкин.

Нажимов Миратдийин Шамшетдинович: «Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашнинг ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари» **(12.00.08)** – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Ҳ.Рустамбоев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: М.Собиров, М.Қ.Утениязов.

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги ЖКдаги жиноий жазонинг мазмуни ва мақсадлари ҳақидаги қоидаларни илмий таҳлил қилиш, бошқа жазо чоралари ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг ўзаро нисбати масалаларини, жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш принциплари асосида озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш амалиётини ўрганишдан иборат. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар жиноят қонунларидаги жазо чораларини қиёсий ўрганиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларини қўллашнинг оқилона ва самарали ечимларини топиш мақсади қўйилди. Тадқиқотнинг амалий мақсади озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: жиноий жазо тизимини, унинг мақсадларини, айрим жазо турлари, аввало озодликдан маҳрум қилишнинг ўзига хос хусусиятларини, жазо турларининг ҳуқуқбузарлик тури ва хусусияти ҳамда субъектнинг шахсига боғлиқлигини, уларнинг ўзаро нисбати, самарадорлиги, истиқболлари комплекс ўрганилган. Иш илгари мавжуд бўлган ва 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилиниши билан пайдо бўлган янги, аввало озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолари (жумладан, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси) доир комплекс хусусиятга эга бўлган биринчи илмий тадқиқотдир.

Ишнинг хулоса ва таклифлари, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантиради ва улардан жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи муаммоларига доир илмий тадқиқотларни ўтказишда, тергов-суд амалиётида, жазони ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятида, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг маҳкумларни ахлоқан тузатишга оид норматив ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Ахмедов Бехзод Ахмедович: «Дастлабки терговда эксперимент ўтказиш назарияси ва амалиёти» (12.00.09) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ю.С.Пулатов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: А.А.Хамдамов, Б.Б.Хидоятлов

Етакчи ташкилот: Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти

Ишнинг мақсади қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш, эксперимент ўтказиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммоларни таҳлил қилиш, уни ўтказишнинг тактик асосларини ўрганиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда ўрганилаётган тергов ҳаракатини ўтказишнинг назарияси ва тактикаси юзасидан илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда масалалар чуқурроқ кўриб чиқилиши назарда тутилган ҳолда эксперимент ўтказиш бўйича илмий назарий муаммолар ўрганиб чиқилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, тадқиқот янгилиги қуйидагилар билан белгиланади, яъни эксперимент ўтказишни регламентга солиш бўйича амалдаги қонунлар тадқиқ қилинди ҳамда уларнинг Ўзбекистон дастлабки ЖПКга мос моддалари билан қиёсий таҳлил ўтказилди, иш мавзусига оид муаллифнинг қатор таърифлари келтирилди, амалиётда эксперимент ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган муаммолар комплекс ўрганилди ва уларнинг амалий ечими белгиланиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жиноий процесс ва криминалистик тактиканинг экспериментни ўтказишга оид қисмининг далиллар назариясини бойитиш масалаларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида, эксперимент ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тергов бўлинмаларининг фаолиятида ва мамлакат ҳуқуқшунослик олий таълим муассасаларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётчи ходимларининг малакасини ошириш курсларида мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида, қўлланиши билан белгиланади.

Таджибаева Альбина Юлдашбаевна: «Жиноят процессида суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш» (12.00.09) - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: З.Ф.Иноғомжонова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Ю.С.Пулатов, С.М.Саҳаддинов.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Тадқиқотнинг асосий мақсади жиноят процессида жиноят иш юритуви бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатларини одил судлов самарадорлигини ошириш воситаси сифатидаги ижтимоий ва ҳуқуқий табиатини ёритиб бериш, уларни қабул қилиш билан боғлиқ процессуал тартибни янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг қонуний ва асослилигини таъминлаш борасида илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: диссертацияда суд томонидан чиқариладиган ҳужжатлар ҳамда уларга қўйилган талаблар жиноят процесси нуқтаи назаридан илк бор яхлит ва комплекс тадқиқ этилган ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқ қилинаётган мавзунинг кам ўрганилган жиҳатлари кўриб чиқилиши янгилик аломатларига эга бўлган ва жиноят процессининг айрим муаммоларини ҳал этиш учун ҳам, суднинг амалий фаолиятини такомиллаштириш учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи бир қатор хулосаларни таърифлаш имконини берди. Тадқиқот натижасида олинган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги ва суд-тергов амалиётида, ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тиббиёт фанлари

Бабажанова Шахида Дадажановна: «Фетоплацентар етишмовчилиги бўлган ҳомиладорларнинг акушерлик тактикасини танлашда функционал текширув методларининг тутган ўрни» (14.00.01) – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Махмуд кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ф.М.Аюпова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: М.Х.Каттаходжаева, Т.Э.Туляганов

Етакчи ташкилот: Кишинёв давлат тиббиёт ва фармация университети

Ишнинг мақсади: Функционал текширув методларининг прогностик аҳамияти асосида фетоплацентар етишмовчилиги бўлган ҳомиладор аёлларнинг оптимал акушерлик тактикасини ишлаб чиқиш.

Ҳомила ҳолатини аниқловчи функционал текширув методлари: УТ фетометрия, КТГ, ҲБП, плацентография, , амниотик индекс доплерометриянинг прогностик аҳамиятлари ўрганилган. Бу методларда ижобий натижанинг прогностик аҳамияти баланд эмаслиги аниқланган, шунинг учун ҳомила ҳолатини аниқлаш учун функционал текширув методларини комплекс, кетма-кет йўл билан қўллаш лозим. ФПЕда перинатал натижалар ўрганилиб, ФПЕ даражаси ошган сари ҳомила ривожланишининг орқада қолиши, Апгар шкаласи бўйича кам балл олган ва реанимацион, интенсив давога муҳтож бўлган чақалоқлар сони ортиб бориши, чақалоқлар бош миясидаги патологик ўзгаришлар ФПЕнинг даражаси билан узвий боғлиқлиги аниқланган. ФПЕ перинатал натижалари туғруқ услуги ва муддатига нисбатан таққосланган ва ФПЕ III муддатгача туғдирилиши лозимлиги аниқланган. Бунда ҳомиладорлик муддатига, она аҳволига, чақалоқларнинг шу оғирлик категориясида омон қолиш эҳтимолига, етилмаган чақалоқларга интенсив ёрдам ва парвариш учун юқори перинатал технологиялар мавжудлигини эътиборга олиш керак. ФПЕ III да ҳомиладорлик муддати 32 ҳафта ва ундан юқори бўлганда кесар кесиш операцияси билан туғдириш ҳомила ва чақалоқ учун афзалдир. Функционал текширув методларининг прогностик аҳамиятига асосланиб, фетоплацентар етишмовчилик ҳомиладорларнинг акушерлик тактикаси бўйича амалий алгоритм ишлаб чиқилди. Олинган натижалар ФПЕ да ҳомила ҳолатини олдиндан кўра билишга ва оптимал акушерлик тактикасини танлашга ёрдам беради.

Гафурова Малика Равшановна: «Ҳомиладорлардаги бош оғриғи синдромининг клинко-патогенетик характеристикаси» **(14.00.01)** – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Махмуд кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ф.Д.Каримова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: Ф.М.Аюпова, Г.К.Садыкова

Етакчи ташкилот: Республика акушерлик ва гинекология

ихтисослаштирилган ИАТМ

Биринчи маротаба ҳомиладорлардаги бош оғриғи синдроми турларининг тарқалиши ўрганилган. Бош оғриғи синдромининг ҳомиладорлик даври кечишига ва она қорнидаги болага таъсири аниқланган.

Текширилган ҳомиладорлар ичида бош оғриғи синдроми билан 33,4% кузатилган. Бош оғриғининг клиник турларидан: ҳомиладор аёлларда асосан бирламчи тури 51,5% ни ташкил қилди, 48,5% эса бош оғриғининг иккиламчи тури эгаллади. Ҳомиладорликнинг бош оғрикли бирламчи турида ҳомиладорлик даврини кечишига ва перинатал патологиясигина пайдо бўлишига юқори ҳавф туғдиради, бунга: ҳомиланинг эрта тушиш хавфи -27,2% ва вақтдан олдин туғиш -33,2% ташқил этади.

Бош оғриғи синдроми бирламчи турининг клиник кўриниши тўғридан-тўғри ҳомиланинг муддатига боғлиқдир. Бош оғриғи хуружи ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи триместрида камайиши, ҳомиладорликнинг учинчи триместрига ўтганда пароксизмнинг кучайишига ва ВНСнинг симпатик устунлигига боғлиқ бўлиб, туғруқдан олдинги лабил психоэмоционал ҳолатни таъминлайди.

Цефалгик синдромнинг турларининг дифференциал-диагностика параметрлари ишлаб чиқилди ва ҳомиладорларни олиб бориш йўллари тавсия этилди.

Музафарова Салима Асхатовна: «Поликистозли тухумдонлар синдромини балоғатга етмаган кизлар орасида тахмин қилиш талаблари» **(14.00.03, 14.00.01)** - Республика ихтисослаштирилган эндокринология ИАТМ (100125, Тошкент, М.Улуғбек кўч., 56. Тел.: 262-27-02, факс: 262-26-46) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбарлар: С.И.Исмаилов, Д.А.Алиева

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган
эндокринология ИАТМ
Оппонентлар: Л.А.Муртазаева, С.Н.Султанов
Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади тахмин қилиш ва диагностика услубларини мукамаллаштириш мақсадида ПКТСнинг балоғатга етмаган қизларда пайдо булишини эпидемиологик и клиник хусусиятларини урганиш.

Гиперандрогенемиянинг Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган қизлар орасида тарқалиши ва тузилиши илк бора урганилган. ПКТС нинг балоғатга етмаган қизлар орасида тарқалиши аниқланди. Балоғатга етмаган қизлардаги ПКТС ривожланишининг триггер механизмлардан бири болаликда тонзиллоген инфекция ва гепатит билан касалланганлиги эканлиги аниқланди. С-реактив оқсил, С3 комплементнинг компоненти ва IL-1 β и IL-6 ялиғланиш интерлейкинларининг даражаси ПКТСнинг балоғатга етмаган қизлар орасида ривожланишидаги урни илк бора аниқланди. Уткир босқичли оқсилларнинг ва урганилган цитокинларнинг референт белгилари балоғатга етмаган қизлардаги ПКТСнинг диагностикаси учун аниқлади. Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган қизлардаги ПКТСга хос булган ЛГ/ФСГ ва ТБИ коэффициентнинг клиник-диагностик белгиси илк бор аниқланди.

Кочовская Илона Васильевна: «Сурункали пиелонефритнинг патогенетик даволашида кавергалнинг қиёсий самарадорлиги» **(14.00.05)** - Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 150-78-25, 214-83-11. Факс: 150-78-25) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Л.Аляви
Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси
Оппонентлар: Ш.М.Рахимов, А.К.Зуфаров
Етакчи ташкилот: Россия давлат тиббиёт университети

Ишнинг мақсади: кавергал дори воситаси орқали даволаш самарадорлигини аниқлаш ва ушбу дори воситанинг сурункали пиелонефрити бор беморларда қўлланишининг патогенетик тамоилларини эътиборга олган ҳолда тавсия этиш.

Сурункали пиелонефритда эритроцитлар ва тана тўқималаридаги метаболик бузилишларни самарадор коррекцияси учун анъанавий даволаш усуллари билан бирга маҳаллий дори восита кавергалнинг қўлланилиши анъанавий даволашнинг самарадорлигини оширади ва эртанги ремиссияга олиб келади деб илк бор кўрсатилди.

Сурункали пиелонефрити бор беморларда касалликнинг клиник кечиш оғирлиги ва қўлланаётган даволашнинг самарадорлиги косача-лоханка тизимида ва буйрак паренхимасида бўлган мембранодеструктив жараёнларига, энерготансиқлик, С ва b₅ цитохромларнинг миқдорига, қондаги эритроцитларининг электрон-транспорт тизими ферментларининг фаоллиги ва кислород-транспорт функциясига, гемоглобиннинг кислородга бўлган тўйинишига боғлиқдир. Анъанавий усуллар билан бирга кавергал қўлланилган ҳолда даволаш самарадорлигининг оширилиши ва ушбу дори воситанинг косача-лоханка тизимига ва буйрак паренхимасига нисбатан мембранопротектив таъсири кўрсатилди.

Шукурджанова Сурайё Махмудовна: «Сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда карведилол ва биспрололнинг нейрогуморал бошқарувига таъсири» **(14.00.06)** – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази (100052, Тошкент, Осиё кўч., 4. Тел.: 237-38-16) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: У.К.Камилова
Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси
Оппонентлар: Т.А.Абдуллаев, Ш.М.Рахимов
Етакчи ташкилот: Қозоғистон Республикаси ССВ Кардиология ва ички касалликлар ИТИ

Ишнинг мақсади: карведилол ва биспрололнинг нейрогуморал маркёрлар даражасига, сурункали юрак етишмовчилигининг (СЮЕ) II ҳамда III функционал синфи (ФС) билан асоратланган инфарктдан кейинги кардиосклерозли (ИККС) беморларда чап қоринчанинг (ЧҚ) инфарктдан кейинги ремоделланиш жараёнларига қиёсий самарадорлигини ўрганиш.

Ишда СЮЕнинг II ва III ФС билан асоратланган ИККСли беморларда ўтказилган миокард инфарктининг (МИ) локализацияси ва СЮЕ оғирлигига кўра нейрогуморал омиллар даражасининг ўзгариши биринчи марта ўрганилди. Мия натрийуретик пептиди (МНУП) ва Алдостероннинг (Ал) ошиш даражаси СЮЕ оғирлик даражаси билан корреляция қилиши аниқланди. Ўтказилган чап қоринча олдинги деворининг МИда МНУП ва Алнинг юқори даражаси кўп учраши аниқланди. МНУП ва Ал даражасининг ошиши клиник ҳолатнинг оғирлиги, жисмоний юкламага толерантлик ва ҳаёт сифатининг пасайиши, ҳамда юрак ичи гемодинамик кўрсаткичларининг ўзгариши билан боғлиқ.

СЮЕнинг комплекс терапиясига карведилол қўшилганда II ФС ва IIIФСли беморларда МНУП ва Ал даражаси ишонарли пасайиши аниқланди. Ўтказилган терапиянинг бундай таъсири СЮЕ билан оғирган беморларда жисмоний юкламага нисбатан толерантлик ҳамда клиник ҳолатнинг яхшиланиши, ҲС ва юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларининг яхшиланиши билан кечади. СЮЕ III ФС беморларда биспролол билан олти ойлик терапия ўтказилганда фақат МНУП даражасининг ишонарли пасайиши қайд этилди.

Карведилол ва биспрололнинг нейрогуморал маркёрлар даражасига таъсири бўйича қиёсий самарадорлигини баҳолашда СЮЕ билан оғирган беморларда МНУП ва Ал нинг юқори даражасида яққол эффект қайд этилди.

Ходжаева Сабри Махмудовна: «Болаларда ўчоқли алопеция касаллиги кечишининг клиник ва генетик таҳлили» **(14.00.11)** – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Махмуд кўч., 103.) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.М.Маннанов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: С.С.Арифов, П.Х.Холиқов

Етакчи ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология ИАТМ

Ишнинг мақсади: Ўчоқли алопеция касаллиги билан ҳасталанган бемор болаларда касалликнинг кечишида клиник ва ирсий омиллар аҳамиятини ўрганиш ва прогноз қилиш мезонларини ишлаб чиқиш.

Мультифакториалликка хос бўлган белгилар орқали касалликнинг оилаларда кечиш ҳолати ўрганилди, касалликка нисбатан бўлган ирсий мойиллик ҳолати ва унинг ўтиш йўллари аниқланди. Натижада болаларда ЎА касаллигига бўлган ирсий мойиллик ҳолати 11,7% (25) ҳолатларда бемор пробанд ота-оналарига, 4,5% (39) ҳолатларда қариндош-уруғларига ва 11,6% (14) ҳолатларда эса бундай мойиллик ҳолати қон-қариндош никоҳларига боғлиқлиги қайд этилди.

Болаларда ЎА касаллигининг кечишида ирсий, ҳамда ташқи муҳит омиллари таъсирини аниқланиши, ушбу касаллик кечишининг прогнозлаш, профилактик чораларни ишлаб чиқиш ва ташхис алгоритмини яратишга имкон берди.

Болаларда ЎА касаллиги кечишининг ирсий маркёр бирликлари (ABO қон гуруҳлари, Нр, Ср оксиллари ва HLA системаси ва дерматоглифик кўрсаткичлари) билан ассоциатив боғлиқликда ўрганилиши натижасида бемор болаларда асосан қоннинг В (III) гуруҳини 79,9% ҳолатларда учрашини, гаптоглобин оксилнинг 2-2 фенотипини 71% ҳолатларда, ҳамда церулоплазмин оксилнинг С ва Д фракцияларининг юқори даражада бўлиши кузатилди. Болаларда ЎА касаллигига мойиллик ҳолати учун HLA тизимининг В8, В18 ген локуслари жавобгар бўлиши қайд этилди.

Изланишлар натижасида олинган кичик ташхисот мезонлари болаларда ЎА касаллиги кечишининг прогнозлаш ва профилактик чораларни олиб бориш борасида муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

Урунбаев Сундр Давлатович: «Оёқ найсимон суяклари остеген саркомасини беморларни модификациянган комплекс даволаш» **(14.00.14)** – ЎзР ССВ Республика онкология илмий маркази (100174, Тошкент, Фаробий кўч., 383. Тел.: 246-05-13) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.А.Гафур-Ахунов

Иш бажарилган ташкилот: Республика онкология илмий маркази

Оппонентлар: Д.А.Пулатов, С.С.Ибрагимов

Етакчи ташкилот: Россия онкология илмий маркази

Артерия ичига узайтирилган ноадъювант кимётерапияни модификаторлар - қисқа муддатли гипергликемия ва локал гипертермия ёрдамида оёқ найсимон суяклари остеген саркомасини

даволашининг янги модификацияланган, комплекс усули ишлаб чиқилди. Бу модификаторларни артерия ичига кимётерапия билан биргаликда олиб борилган даволаш усули биринчи бор остеоген саркомаларни даволашда қўлланилган. Ишлаб чиқилган остеосаркомаларни модификацияланган даволаш усулини тадбиқ этиш аъзоларни сақлаб қолувчи жаррохликлар сони кўпайишига, рецидив ва метастазаларни камаишига олиб келади ва беморлар умрини узайтиради.

Ишлаб чиқилган оёқ найсимон суяклари остеген саркомасида артерияларичига узайтирилган ноадъювант кимётерапияни локал гипертермия ва қисқа муддатли гипергликемия билан биргаликда узвий ва яқин муддатдаги натижалари курсаткичларини яхшилади. Артерия ичига узайтирилган ноадъювант кимётерапияни модификаторлар билан натижасида аъзоларини сақлаб қолувчи жаррохликлар 2,2 маротиба ва 3 йил давоми рецидивсиз яшаш муддати 3.3 маротаба холида беморлар турмуш тарзини и сифатини яхшилади.

Рустамов Бауржон Қосимович: «Фертил ёшдаги аёллар инсультларида мия ичи қон томирларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари» **(14.00.15)** – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч. 2. Тел.: 214-83-11, факс: 218-59-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Р.И.Исроилов

Иш бажарилган ташкилот: Ташкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Р.Ш.Мавлян-Ходжаев, А.М.Дауреханов

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: фертил ёшидаги аёллардаги инсультларда мия ичи қон томирлари деворидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларни ўрганиш ва олинган натижалар асосида мия ичи қон томирларидаги патоморфологик ўзгаришларни башорат қилиш учун билимлар базасини яратиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: фертил ёшидаги аёлларда бош мия инсультлари шакллари орасида мия юмшаши (59,7%) қон қуйилишларга (40,3%) қараганда кўпроқ учрайди. Кўпинча ўрта мия артерияси соҳаси шикастланади (56,2%). Орқа мия артерияси соҳасида инсульт 29,3%, олдинги мия артерияси соҳасида 14,5% ҳолатда кузатилади. Бош мия инсултининг этиологик структурасида хафакон касаллиги (35,4%), тизимли васкулитлар (30,5%), атеросклероз (20,7%), асоратланган ҳомиладорлик (13,4%) ўрин эгаллайди. Томир девори қалинлигининг томир бўшлиғи диаметрига нисбатини кўрсатувчи коэффициент β ёрдамида бош мия ичи артериолаларининг патоморфологик хусусиятлари ва уларнинг морфометрик кўрсаткичлари аниқланди.

Артериолаларнинг морфометрик кўрсаткичлари ва мия инсултининг клиник маълумотларига кўра билимлар базаси ва компьютер дастури яратилди.

Каримов Маматмурод Умуркулович: «Болалар елка суяги проксимал қисми синишларини даволаш тизимида стабил-функционал остеосинтез» **(14.00.22)** – ЎзР ССВ Травматология ва ортопедия ИТИ (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 78. Тел: 233-10-30) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Р.Ходжаев

Иш бажарилган ташкилот: Травматология ва ортопедия ИТИ

Оппонентлар: П.У.Уринбаев, М.Н.Исматуллаева

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Болалар елка суяги проксимал қисми синишини даволаш натижаларини оптимал шароитларини таъминловчи оригинал стабил-функционал остеосинтез усулини ишлаб чиқиш ёрдамида яхшилаш.

Боланинг ёши ва синишнинг анатомик-функционал хусусияларини ҳисобга олган ҳолда стабил-функционал остеосинтез комплексини елка суяги ва елка бугимида куллашда юзага келадиган биомеханик ўзгаришларнинг кечиши урганилди. Таклиф қилинган стабил-функционал остеосинтез методи суяк булакларини янада стабил ушлаб туришини таъминлаб беради ва синиш битган вақтгача елка суягини функционал хусусиятларини сақланишини таъминлайди. Ушбу методни кулланилиши болаларда елка суяги проксимал қисмини синишини даволаш натижаларини яхшилаб берди ва операциядан кейинги даврда тикланиш вақтини қисқартирди.

Каратаева Лола Абдуллаевна: «Илк ёшдаги болаларда тўсатдан ўлим сабабларини баҳолашнинг суд-тиббий мезонлари» (14.00.24) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2.) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.И.Искандаров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Ж.Ж.Джалолов, А.С.Чурикова

Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Ишнинг мақсади: илк ёшдаги болаларда тўсатдан ўлим сабабларини суд-тиббий мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни эксперт баҳолаш.

Эксперт хулосаларни таҳлил этиш асосида 1 ёшгача бўлган болаларда тўсатдан ўлим синдроми ва бехосдан ўлим сабаблари аниқланди. Биринчи марта Вьессен-Тебезия томирларини морфологик текшириш асосида суд тиббиёти шифокорлари учун дифференциал диагностика мезонлари ишлаб чиқилди. Суд-тиббий хулосаларини асослаш сифатини оширишга йўналтирилган тавсиялар берилди.

Келтирилган натижалар 1 ёшгача бўлган болаларда тўсатдан ўлим ва бехосдан ўлим синдромидаги жараёни асосли тизимлаштириш, тўғри диагностик ёндашиш ёрдамида суд-тиббий хулосалари сифатини оширади. Таклиф этилган алгоритм 1 ёшгача бўлган болаларда тўсатдан ўлим ва бехосдан ўлим синдроми ташхислаш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради ва эксперт хулосаларининг далилий аҳамиятини оширади.

Олинган натижалар таҳлили асосида ўлимдан кейинги ташхисни аниқлашда келадиган хатоларга йўл қўймаслик учун суд-тиббиёти экспертларига тавсиялар берилган. Дифференциал алгоритмнинг қўлланилиши тўсатдан ўлим ва бехосдан ўлим синдромида хулосаларнинг асосланишига олиб келади.

Тошбоев Содиржон Мухаммадалиевич: «Енгил бош мия жароҳатлари экспертизасини суд тиббий мезонлари» (14.00.24) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.И.Искандаров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Ж.Ж.Джалолов, М.Ж.Мирзабаев

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: енгил бош мия жароҳатланишини баҳолашнинг клиник ва суд-тиббий мезонлари ҳамда оғирлик даражасини аниқлаш.

Клиник кузатиш натижалари, эксперт хулосалари ва комплекс текширувларнинг таҳлиliga асосланилиб ёш хусусиятларига қараб бош мия чайқалиши ва енгил даражали лат ейиши бир бири билан солиштирилган ҳолда ташхис қўйилиши ўрганилди ҳамда бундай ҳолларда жароҳатланишларни характери асосланилди.

Бош миянинг енгил жароҳатларини ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ёш болалардаги клиник кўриниши информативлиги аниқланилиб, Глазго кома шкаласи бўйича жабрланувчи хуши ҳолатини бир хил баҳолаш кўрсатилди.

Бош мия ёпиқ жароҳатланиши диагностикаси, прогнози ва суд тиббиётида оғирлик даражасини аниқлаш алгоритми яратилди ҳамда уни суд-тиббий баҳолаш мезони сифатида тавсия этилди.

Касымова Камола Рустамовна: «"Аскаритмин" препаратининг антиаритмик активлиги ва зарарсизлиги фармакологиясини ўрганиш» (14.00.25-биология фанлари) – Тошкент тиббиёт академияси (100047, Тошкент, Мусаханов кўч., 103. Тел.: 289-43-96) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ф.Н.Джахангиров

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти

Оппонентлар: А.А.Абдусаматов, М.Д.Эргашева

Етакчи ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Ишнинг мақсади: Aconitum Septentrionale (Аксаритмин) ўсимлигининг йиғинди алкалоиди фармакологиясини ўрганиш ва уни антиаритмик дори воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини баҳолаш.

Илк бор, Aconitum Septentrionale (Аксаритмин) ўсимлигининг йиғинди алколоиди юрак аритмиясининг бўлмача ва қоринчалар шаклидаги тажриба моделларига самарадорлиги ўрганилди, ҳамда препарат муҳим антиаритмик таъсирини намоён қилишини кўрсатди.

Аксаритмин оғиз орқали юборилганда фаоллиги, тезкорлиги, терапевтик таъсир доирасининг кенглиги ва антиаритмик таъсир давомийлиги бўйича мавжуд I-синф антиаритмик (хинидин, новокаинамид, этмозин, ритмилен и мекситил) лардан анчагина афзал эканлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, аксаритмин ўткир ва сурункали токсикологик тажрибаларда турли ҳил ички органга, иммун системага нисбата заҳарли таъсир кўрсатмади, шунингдек аллерген, мутаген, эмбриотоксик ва тератоген таъсирларни намоён қилмади.

Aconitum Septentrionale ўсилигидан олинган йиғинди алколоиди асосида янги юқори самарали “Аксаритмин” препарати ишлаб чиқилган. Аксаритмин антиаритмик активлиги ва терапевтик таъсир кенглиги бўйича кўпгина I- синф антиаритмиклардан афзалдир.

Уразбаев Анвар Аманбаевич: «Асоратланган сил спондилитини антибактериал ва хирургик даволашни оптималлаштириш» **(14.00.26, 14.00.22)** – Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пулмонология ИАТМ (100086, Тошкент, Алимов кўч., 1. Тел.: 278-04-70) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: П.Х.Назиров

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пулмонология ИАТМ

Оппонентлар: А.С.Содиқов, А.М.Жураев

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: жарроҳлик амалиётидан олдинги антибактериал даволаш муддатларини асослаб ва жарроҳлик аралашувлар техникасини такомиллаштириб, асоратланган сил спондилити билан оғриган беморларнинг мажмуавий давоси самарадорлигини ошириш.

Асоратланган сил спондилити билан касалланган беморларда жарроҳлик амалиётидан олдинги жадал антибактериал тайёргарлик олиб борилишидан кейин 1,5-2 ой ўтгач эрта жарроҳлик давони тўлиқ ҳажмда ўтказиш мумкинлиги илк бор асосланди.

Сил спондилитининг асоратланган шаклларида орқа мия ва унинг илдизларини декомпрессия қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди ва унинг афзалликлари аниқлаб берилди.

Мажмуавий клиник-рентген-томографик текширув натижаларига кўра кузатувнинг узок муддатларида умуртқа поғонасининг сили билан касалланган беморларда радикал-тикловчи жарроҳлик амалиётларининг самарадорлиги илк бор аниқланди.

Диспансер кузатуви босқичида умуртқа поғонасининг сили билан касалланган беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар ва сил жараёнининг қайта авж олишлари пайдо бўлишининг энг аҳамиятли сабаблари аниқланди.

Жараённинг тарқалганлиги ва асоратлари, патогенетик воситалар қўлланилишини тақозо этувчи носпецифик йўлдош касалликларни ҳисобга олган умуртқа сили мажмуавий давосининг янги фарқланган тактикаси ишлаб чиқилди.

Адылходжаев Аскар Анварович: «Маҳаллий тарқалган меъда ости беши бошча қисми ўсмасини даволашда эндоваскуляр усулларини такомиллаштириш» **(14.00.27)** – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 150-78-25) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.И.Каримов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: В.А.Вишневский, И.П.Прохорова

Етакчи ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

Ишнинг мақсади – маҳаллий тарқалган меъда ости беши бошчаси ўсмаси билан беморларни, даволашда эндоваскуляр аралашувлар усулларини такомиллаштириш йўли орқали даволаш натижаларни яхшилаш.

Ишнинг асосида маҳаллий тарқалган меъда ости беши бошчаси ўсмаси ва механик сариклик билан 103 бемор таҳлили ва даволаш натижалари ташкил этди. Шу жумладан 62 нафар бемор назорат гуруҳига ажратилди – уларга тери-жигар орқали эндобилиар аралашувлар ва умумий химиотерапия бажарилган эди.

Асосий гуруҳга ажратилган 41 беморга, меъда ости бешини ўсмаси ҳолатида

ангиоархитектоникани ўрганиш ва эндоваскуляр арашувлар техник жиҳатлари ўзига хослигини асосида, тери-жигар орқали эндобилиар аралашувлар ва такомиллаштирилган эндоваскуляр аралашувлар ҳисобга олиб, регионар химиотерапия усуллари қўлланилди. Бу ўз навбатида маҳаллий тарқалган меъда ости беши бошчаси ўсмаси билан беморларни даволашда натижаларни салмоқли яхшилашга эришилди.

Асатуллаев Жаҳонгир Раҳматович: «Жигарни қолдиқ бўшлиқларини аутогемомасса билан бартараф қилишни клиник-экспериментал асослаш» **(14.00.27)** – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 154-13-21) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Ш.Ҳақимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: В.А.Вишневский, А.Е.Аталиев

Етакчи ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

Ишнинг мақсади – жигар қолдиқ бўшлиғи мавжуд беморларни даволаш натижаларини қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш учун аутогемомассани қўллаш йўли орқали яхшилаш.

Иш асосида 2000 дан 2009 йилгача Тошкент тиббиёт академияси 2 клиникасида (даволаш факультети госпитал ва факультет жаррохлик кафедраси базасида) стационар ва амбулатор даво олган 85 та беморларнинг текширув ва даво натижалари ётади.

Ҳамма беморлар икки гуруҳга ажратилган: назорат гуруҳи – 2000 йилдан 2006 йилгача ва асосий гуруҳ – 2006 йилдан 2009 йилгача касалхонага келиб тушган беморлар. Гуруҳларни бундай равишда ажратиш даволашда турли хил ёндашувларга асосланган. Назорат гуруҳи – 54 та беморнинг ташкил қилиб, уларга жигар қолдиқ бўшлиғини пункцион-дреналаш усули билан антисептиклар билан ювиш ва склеротерапия бажариш орқали уларни ёпиш ўтказилган. Асосий гуруҳ – 31 та беморни ташкил этди, уларга ўрнатилган дренаж орқали жигар қолдиқ бўшлиғини антисептиклар билан ювилиб ва санация қилингандан сўнг аутогемомассани юбориш орқали уларни ёпиш бажарилган.

Жигар қолдиқ бўшлиғини даволашда ишлаб чиқилган янги ёндашув ушбу тоифадаги беморларни даволашни клиник самарадорлигини янада оширишга ва ташқи ўт оқмаларини бартараф этилишини 73,3% дан 94,1% гача, қолдиқ бўшлиқларни бартараф этилишини эса 75,9% дан 96,8% гача кўтарилишига олиб келади.

Матмусаев Маҳсуд Маҳмудович: «Болалар ва ўсмирларда бел умуртқаларо диск чуррасини хирургик даволаш» **(14.00.28)** – ЎзР ССВ Травматология ва ортопедия ИТИ (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 78. Тел.: 233-10-30) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Х.Қариев

Иш бажарилган ташкилот: Республика нейрохирургия илмий маркази

Оппонентлар: Г.А.Алиходжаева, А.К.Абдухаликов

Етакчи ташкилот: Урал тиббиёт академияси (Екатеринбург ш.)

Ишнинг мақсади: Диагностика ва хирургик даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш йўли билан болалар ва ўсмирларда бел умуртқаларо диск чурраларини даволаш натижаларини яхшилаш

Шу мақсад йўлида болалар ва ўсмирларда умуртқаларо диск чурраларини сабаблари ва келиб чиқиши омиллари таҳлил қилинди. Болалар ва ўсмирларда умуртқаларо диск чурралари клиник-неврологик кечишининг хусусиятлар аниқланди. Болалар ва ўсмирларда умуртқаларо диск чурраларини ташхислашнинг қўшимча усуллари самараси жаррохлик муолажасининг тури ва ҳажмига кўра аниқланди. Болалар ва ўсмирларда умуртқаларо диск чурраларини хирургик даволашга кўрсатмалар ва фарқли ёндашиш алгоритми ишлаб чиқилди. Илк бор болалар ва ўсмирларда умуртқаларо диск чурраларини диагностикаси ва хирургик даволаш алгоритми яратилди ва амалиётга татбиқ этилди, фойдали модель - ярани кенгайтиргич.

Клиник-инструментал таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу патологиянинг ривожланиш асосида олинган травма ва жисмоний зўриқиш ётади, болалар ва ўсмирларда аниқланган бел умуртқа поғонаси туғма аномалиялари касаллик ривожланишига мойил омил бўлиб хизмат қилади ва клиник неврологик кечувини деярли узгартирмайди. Туғри танланган хирургик даволаш усули операциядан кейинги даврда яхши ва қониқарли натижаларга олиб келди. Олинган натижалар болалар ва ўсмирларда бел умуртқаларо диск чурраларини касаллиқнинг эрта босқичида аниқлашга ёрдам берди, уларни хирургик даволаш самарадорлиги ошганлигини кўрсатди, ҳамда оғриқ синдроми

рецидивларини операциядан кейинги яқин ва узоқ даврида камайтирди ва уларни олди олинди.

Набиева Мавлюда Ильхамовна: «Ўзбекистонда гемофилия А нинг ингибитор шакли: учраш частотаси ва касалликнинг коагулологик мониторинги хусусиятлари» **(14.00.29-биология фанлари)** – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Д.Махмудова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Гематология ва қон қуйиш ИТИ

Оппонентлар: Ф.Х.Иноятова, К.К.Солиев

Етакчи ташкилот: РТФА Гематология илмий маркази

Ишнинг мақсади Ўзбекистонда гемофилия А нинг ингибитор шаклининг учраш частотасини аниқлаш, ўрин алмашинувчи терапия сифатида қўлланилувчи VIII фактор препаратлари, криопреципитат ҳамда беморларда ингибиторни механик ажратиб олиш учун қўлланиладиган плазмаферезнинг самарадорлигини баҳолаш учун коагулологик мониторинг тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир.

